Илм ўзни билмакдир

Ма'рифат

MA'RIFAT ★ ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ ★ معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1996 йил 3 август, шанба | Баҳоси сотувда эркин нархда. | № 57 (6754)

Даъват

Ҳар қандай миллатнинг равнақи, умумбашарият тарихида тутган ўрни, мавқеи ва шуҳрати бевосита ўзфарзандларининг ақлий ва жисмоний етуклигига боғлиқдир.

Ислом КАРИМОВ

Ибрат

Денов шаҳрида «Сумбул сочли оқила қизлар» кўрик-танлови бўлиб ўтди. Унда балоғат ёшига қадам қўяётган қизларнинг толим-толим сочларини қирқмаслик ғояси илгари сурилди. Нозиктаъб шоира Саида Зуннунованинг «Минг хил турмаклардим, аммо қирқмасдим» сатри ёдга олинди.

ОРЗИҚИБ КУТИЛГАН ЛАҲЗАЛАР

АБИТУРИЕНТ—96

(репортаж)

Бу кунни қанчадан қанча йигит-қизлар орзиқиб кутганди. Шу боис Республикамизнинг барча олий ўқув юрти йўлаклари, ҳовлилари абитуриент ёшлар билан, уларнинг ота-она, қариндош-уруғлари билан яна гавжумлашиб кетди. Бугун — тест синовлари! Бугун, билим, иқтидор, қунт ва ирода яна бир бор синовдан ўтади. Бугуннинг нечоғлик аҳамиятга дахлдорлигини, айниқса, талабаликка талабгор ёшларнинг юз-кўзларидан, хатти-ҳаракатидан англаб олиш мумкин. Айни чоғда улар улкан бир умидга, улкан бир ҳаяжонга айланганлар.

Биз Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институтидамиз. Бу нуфузли илм даргоҳининг ҳовлисида, тўғрироғи, тест синовлари аллақачон бошланиб кетган бино рўпарасида турли ёшли, турли уст-бошли одамлар. Бироқ одатдаги бақир-чақириқлардан, шовқин-суронданасар ҳам йўқ. Сокинлик, ўзига хос суқунат. Тўпланганлар зарурат юзасидангина шивирлашиб сўзлашадилар.

Мана, ниҳоят, барча илҳақ ва интиқ кўз тиккан эшикдан биринчи абитуриент кўринди. Йўқ, тўғрироғи, энг аввал, унинг юзидаги ёрқин бир табассум кўзга ташланди. Таниш-нотанишлар беихтиёр у томон талпинди. Зеро, ичкаридаги аҳвол, тест синовлари утказишнинг ҳақиқий манзараси барчани қизиқтирарди. Табиийки, биз ҳам тест синовларидан биринчилар сафида ўтган абитуриент билан суҳбатга шошилдик.

— Кечирасиз, ўзингизни таништирсангиз?

— Мен, Абдуллаева Малоҳат, бекободликман, насиб бўлса, шу институтнинг биринчи курс талабаси буламан, — деди ҳамсуҳбатимиз қувонч ва ҳаяжондан ёноқлари ял-ял ёниб. Унинг сўзларидаги ишонч ва қатъият бизни анча қизиқтириб қўйди. Қизиқ, бу навниҳолгина қизда бунча дадиллик, бунча ўзига ишонч қайдан пайдо бўлди.

— Малоҳат, севинчингизга қараганда тест синовларидан жуда муваффақиятли ўтганга ўхшаяпсиз. Бунинг сирини билсак бўладими?

— Бунинг ҳеч бир сири йўқ. Аввало шуни таъкидлашни истардимки, тест савол ва топшириқлари анчайин таниш, биз ўша «Ахборотнома» орқали ўқиб-ўрганганларимиз. Бундан ташқари ичкаридаги қатъий тартиб-интизом ҳам, очиқ гап, ҳар қандай шубҳаларни қувиб чиқаради, одамнинг ўз-ўзига, ўз кучига ишончини орттиради.

Биз Малоҳат билан қизғин суҳбатни тугатганимиз қадар навбатдаги абитуриентлар бирин-кетин ўша «синовлар эшиги»дан чиқиб кела бошладилар. Уларнинг ҳам юз-кўзида нурдек кезиниб юрган севинч шарпалари, қунгилларидаги Умид аллақачон улкан бир Ишончга айланиб улгурганидан дарак берарди.

Биз абитуриент ёшлардан юққан хуш кайфият билан Низо-

(Давоми 2-бетда).

Суратларда: ТошДПИдаги тест жараёнидан лавҳалар.

Р. Галиев олган суратлар.

Аввал тингланди...



Кейин бошланди...

КАРИМ ЯРИМ ФИНАЛДА!

Баъзилар кўпинча рингда жон-жаҳди билан рақибига қарши курашаётган «қулқоп»ли йигитга қараб, ачинганиданми, ишқилиб «Нега керак экан шунақа муштлашиш?», «Вуй, юзлари кукариб кетди-ку!» деб қўйишади. Аслида эса бокс — бу она-Ватаннинг асосий таянчларидан бири. Кучли боксчиси кўп бўлган юрт ҳамиша эркин ва фаровондир...

Атланта ўйинларида ана шундай жон-жаҳди билан курашаётган ажойиб боксчимиз Карим Тулаганов бизнинг ҳаяжонларимизни, «бирпас»лик қўл силтаб туришларимизни пайқади шекилли, ҳужум даражасини кескин ошириб юбориб, ғорак финалда Кадо (Сашел ороллари)ни ўйин тугамасданоқ, мағлубиятга учратди ва Ўзбекистон учун олимпиаданинг иккинчи медалини нақд қилиб қўйди. У энди ярим финал мусобақаларида қатнашади. Ўйлаймизки, биз ҳам «ҳа-ҳа»деб туришда сира бўш келмаймиз.

100 Atlanta 1996

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

ҚЎЛЛАНМАЛАР СИЗГА МУНТАЗИР

Ўқувчилар мириқиб дам олаётган олтин ёзнинг сўнгги ойи — август бошланди. Демак, янги ўқув йили ҳам эшик қоқмоқда. Беихтиёр ўринли саволлар туғилади: «Мактабларга 1996-97 ўқув йили учун дарсликлар етказиб бериш қай йўсинда ташкил этилган? Ҳозиргача қанча қўлланма тарқатилган ва бу жараён қачонгача давом этади?» Мухбиримиз мутасадди ташкилот раҳбарларидан ана шу ҳақда сўзлаб беришни илтимос қилди.

Суннат КАРИМОВ, «УзТошкитоб» базаси директори:

— Базамиз республика вилоятларидаги мактаблар ҳамда Марказий Осиё республикалари — Тожикистон, Қирғизистон, Туркманистон, Қозоғистондаги ўқишлар ўзбек тилида олиб бориладиган таълим муассасаларини қўлланмалар билан таъминлайди. Режа бўйича 1996-97 ўқув йилида 71 номда 22 миллион 600 минг нусхада дарслик етказиш лозим бўлса, шундан 69 номдаги 17 миллион 300 минг нусха қўлланма олинди.

«Ўқитувчи» нашриёти ҳар йили қўлланмалар тиражини аниқлаш мақсадида буюртма бериш учун варақа чиқариб, вилоят китоб савдо шохобчаларига юборади. Биз шу асосда буюртма қабул қиламиз. Буюртмалар йиғилгандан кейин нашриёт қошидаги тираж ҳайъати ҳар бир дарслик ва қўлланма нашр нусхаси сонини белгилайди.

(Давоми 2-бетда).

БУ ЙИЛ ҲАМ ОДАТДАГИДЕК ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИ «МУСТАҚИЛЛИК ДАРСИ» БИЛАН БОШЛАНАДИ.

2- БЕТГА ҚАРАНГ

МАМЛАКАТИМИЗ СОЛИҚ ТИЗМИНИ БИЛМОҚЧИ БЎЛСАНГИЗ

3- БЕТГА ҚАРАНГ

Қарор ва ижро

ЖАДАЛЛИК ВА СУСТКАШЛИК

ёхуд бир туманда икки манзара

Мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий-маънавий қиёфасини юксалтиришда қишлоқларнинг ҳам ўз ўрни, аҳамияти бор. Қишлоқларда халқ таълими соҳасига эътиборни кучайтириш, тиббиёт ва маиший хизматни жонлантириш, қисқаси бу ерда яшовчи аҳоли турмуш тарзини янада яхшилаш бугуннинг долзарб вазифалари сирасига киради. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1996 йил 21 майда қабул қилган «2000 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги қарори ана шу долзарб вазифаларни жадал амалга оширишга кенг имкон яратди.

Яқинда республика Халқ таълими вазирлиги ҳам мазкур қарор ижросини таъминлаш мақсадида ўз ҳайъат йиғилишида тадбир ва режаларни белгилади. Унда 1996 йили фойдаланишга топшириладиган қишлоқ мактабларини тезда қуриб тугаллаш, таъмир ишларини жадаллаштириш, мактабларни турли мебеллар, жиҳозлар, асбоб-ускуналар билан таъминлаш, газлаштириш ва телефонлаштириш масалалари хусусида гап юритилади.

Хўш, қарорнинг ижроси жойларда қандай бораяпти? Қандай тадбирлар амалга оширилмоқда?

Шу каби саволларга жавоб топиш мақсадида биз Бухоро вилоят Шофиркон туманида бўлиб қайтдик.

Таҳлилни тумандаги Иброҳим Муминов номидаги жамоа хўжалиги ҳудудида қурилаётган Қурбон Неъматов номидаги мактабдан бошладик. Туман ҳокими муовини ёрдамчиси Аҳтам Қиличевнинг бизга айтишича, бу қурилиш объектини вилоятдаги «Бухороканалқурилиш» трести ишчилари бунёд этишаётган экан. Қурилиш ишларини тўхтовсиз олиб бориш мақсадида туман ҳокими қўшимча равишда тумандаги қурилиш ташкилотларини ҳам бириктирибди.

Икки қаватли янги мактаб биносида бўлганимизда у ерда сўнгги пардозлаш ишлари бажарилаётганлигининг гувоҳи бўлдик. Ҳамроҳимиз, туман халқ таълими бўлимининг мудири Ҳалим Вафиевнинг таъкидлашича, 1 сентябрь — Мустақиллик кунида мактаб халқимизнинг 240 нафар фарзандини ўз қучоғига олади. Синфларни турли асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш масаласи қандай бўлади, деган саволимизга халқ таълими бўлими мудири қуйидагича жавоб қайтар-

(Давоми 2-бетда).

ЖУМЛАДА ЖАҲОН

❖30 июль куни биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг олтинчи сессиясига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича депутатлар ишчи гуруҳининг биринчи йиғилиши бўлиб ўтди.

❖Тошкентда Германиянинг Конрад Аденаэр номидаги жамғармаси ташаббуси билан «Маҳаллий ҳокимият органларида сиёсат» мавзусида семинар бўлиб ўтди.

❖Орол минтақасида экологик вазиятни юмшатиш борасида амалга оширилаётган муҳим тадбирлар эвазига ички сув ҳавзалари, кўллар сувга тўла бошлади.

❖«Ўзбектелефильм» студияси буюк Соҳибқирон таваллудининг 660 йиллигига бағишлаб «Амир Темур» номли бадиий-публицистик фильм яратишга киришди.

❖Москвада коммунистларнинг энг эски нашри — «Правда» газетаси ёпилди. Бунга сабаб, таҳририятда иқтисодий зарарнинг кўпайганлиги, ички ликбозлик кучайганлиги, интизомнинг сусайиб кетганлиги бўлди.

❖Миср Президенти Ҳусни Муборакнинг Вашингтонга қилган сафаридан кўзлаган мақсадларини журналистлар қуйидагича шарҳлашмоқда: биринчиси — ҳар йили Мисрга АҚШ томонидан ажратиладиган 2 миллиарддан ортиқ ёрдамни сақлаб қолиш, иккинчиси — Яқин Шарқ можаросини тинч йўл билан ҳал этишда, «Ер эвазига — тинчлик» шиорига амал қилинишида Америка кўмагига эришиш.

❖Хитой ўтган душанба куни ядро портлашини амалга оширди. Ядро портлатишларини давом эттириш тўғрисида мараторияни эълон қилиб, бу билан ядровий мамлакатларни атом бомбаси синовини тўхтатишга чақирди.

ИХТИРО

Интернет компьютер тизимининг имкониятлари ва аҳамияти кун сайин ошиб бормоқда. Швециянинг Эриксон компанияси бу борада янги «Кобра уорлд уайд уэб» дастурини тузди. Унга кўра одатдаги линия иккига ажратилиб, биридан суҳбатлашиш учун, иккинчисидан эса расмий ахборотлар узатишда фойдаланиш мумкин.

50 МИЛЛИОНЛИК ХАЙРИЯ

АҚШнинг бир қатор компаниялари илм-фан ривожи учун жами 50 миллион долларлик ёрдам ажратдилар. Ундан асосан Индиана штатидаги хусусий коллежларнинг эҳтиёжларини таъминлаш ҳамда таълимнинг умумий савиясини ошириш йўлида фойдаланиш кўзда тутилмоқда.

UZINFO МАРКАЗИ

МАОРИФ ОЛАМИДА

ЭЛ НАЗАРИДА

Олимлар дунё бўйича таълим-тарбияга оид китоблар нашр этишда биринчи ўринда турувчи нашриётларни аниқлашга ҳам эришдилар. АҚШнинг Гроув-хилл компанияси яқинда мана шу фахрли ўринга лойиқ деб топилди. Компания бунга савдо ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш орқали муваффақ бўлмоқда.

XXI АСР САМОЛЁТИ

Германиянинг Штутгарт техника университетининг талабалари ва профессорлари икки йиллик меҳнатдан сўнг соатига 120 километр масофага уча олувчи, бутунлай қуёш энергиясидан фойдаланувчи самолётни қўргазмада намойиш этишга эришдилар. XXI аср «қуш»ини эса қадимги грек афсонавий қаҳрамони Икар номи билан атадилар.

ҲИНДУЛАР ИШҚИБОЗИ

Калифорния университетининг адабиётшунос профессори Греиж Сэрис америкалик ҳиндуларнинг қадимий ва содда ҳаётларини ўрганишга қатъий қизиқиб қолганлардан. У кўп вақтини ҳиндулар орасида ўтказади ва ўзининг асарларида уларнинг турмушларини кенгроқ кўрсатиб беришга ҳаракат қилмоқда.

Халқ таълими бўлимларида

ИСТИҚЛОЛ ИҚБОЛ КЕЛТИРУР...

Беш йил тарих олдида ғоят кичик бир давр. Аммо ана шу қисқа муддатда ҳам оламшумул - тарихий ишларни бажариш мумкин. Бунга она Ватанимиз — Ўзбекистоннинг бугунги жўшқин ҳаёти яққол далилдир.

Ҳаётимизнинг турли жабҳаларида бўлганидек, халқ таълими тизими соҳасида ҳам улкан ўзгаришлар, янги изланишлар, ютуқлар кўзга ташланмоқда. Буни Хоразм вилояти Боғот тумани халқ таълимидаги ўзгаришларда ҳам кўриш мумкин. Туман халқ таълими бўлими мудири Собиржон Шарипов истиқлолимиз шарофати туфайли қўлга киритилаётган янги марралар, ижобий ўзгаришлар ҳақида мухбиримизга қуйидагиларни гапириб берди.

— Туманимизда 49 та умумтаълим мактаби мавжуд бўлиб, шундан 3 таси бошланғич, 11 таси тўлиқсиз ўрта ва 35 таси ўрта илм даргоҳларидир. Бу билим масканларида ўтган ўқув йилида 26013 ўқувчи таҳсил кўрди. Мактабларимизда жами 2660 нафар педагог фаолият кўрсатаяпти. Туманимизда 2 та лицей-интернат ишлаяпти. Уларда физика, математика, химия, биология, информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари фанлари чуқурлаштирилиб ўқитилади. Ушбу янги таълим масканларига қабул танлов асосида уюштирилади. Натижада иқтидорли болалар ўқишга жалб этилади. Шунингдек, туманимизда 1 та гимназия-интернат ҳам фаолият кўрсатмоқда. Унда чет тили, она тили фанлари чуқурлаштирилиб ўқитилади.

Туман халқ таълими бўлими ўтган ўқув йилида мактабларда айрим фанларни чуқурлаштириб ўргатадиган масхус синфларни очишга катта эътибор берди. Ҳозирги кунда жами 36 та мактабда фанларни чуқур ўргатадиган синфлар мавжуд. Бу синфларда 900 нафардан зиёд ўқувчига таълим берилмоқда.

Мактабларимизнинг ўқув-моддий базаси йилдан-йилга мустаҳкамланмоқда. Қийинчиликларга қарамасдан маориф объектлари қурилиб, ишга тушмоқда. Жумладан, сўнгги йилларда Дўстов номли мактаб учун 844 ўринли, «Деҳқонобод» жамоа хўжалигида Аҳмад Яссавий номли мактаб учун 844 ўринли, Огаҳий номли жамоа хўжалигида «Тинчлик» мактаби учун 464 ўринли, Ҳ. Рўзметов номли мактаб учун 320 ўринли янги бинолар қурилиб, фойдаланишга топширилди. «Деҳқонобод» жамоа хўжалиги маблағи ҳисобидан Р. Матнанаев номли мактаб учун қурилаётган 320 ўринли, «Тошкент» жамоа хўжалиги маблағи ҳисобидан Н. Нуриллаев номли мактаб учун 464 ўринли янги бинолар шу ўқув йили арафасида ишга туширилади. Шунингдек «Тошкент» жамоа хўжали-

(Давоми 4-бетда).

«ЎҚИТУВЧИ»НИНГ ТЎЙИ БЎЛДИ

Узбекистон Республикаси Матбуот қўмитасининг йиғинғоҳида «Ўқитувчи» нашриётининг 60 йиллигига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Уни Матбуот қўмитаси раиси Р. Шоғуломов очиб, нашриётнинг республика маънавий ҳаётида тутган ўрни ҳақида тўхталиб ўтди. Маскан директори Р. Мирзаев «Ўқитувчи»нинг босиб ўтган йўли, келгуси режалари ҳақида гапирди. Шундан сўнг, республикамиздаги нашриётлар, босмахоналар вакиллари, таниқли олимлар «тўй бола»га дил изҳорларини айтишиб, ўз тўёналарини тақдим этишди. Айниқса, нашриётнинг биринчи бош директори Жуманиёз Шариповнинг хотиралари йиғин аҳлида яхши таассурот қолдирди.

«Ўқитувчи» нашриётининг ҳаётини Халқ таълими вазирлигидан айро тасаввур қилиш қийин. Халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Й. Саиджонов юқоридаги фикрга яна бир марта руҳ киритди ва нашриётнинг бир гуруҳ ходимларига «Ўзбекистон халқ таълими аълочиси» унвони ҳамда вазирликнинг «Фахрий ёрлиқ»ларини топширди.

А. ХАБАРЧИ

ММММ

ХАБАРЛАРИ

РОҲАТНИНГ ҲАММАСИ «РОҲАТ»ДА

Қизилтепа туман ижтимоий таъминот бўлими ҳузурида «Роҳат» кичик корхонасининг ташкил этилиши 30 нафар хотин-қизларнинг, шу жумладан мактаблар битирувчиларининг иш билан таъминланишига имкон берди.

Корхона шу йилнинг ўтган даври мобайнида етмиш минг сўмликдан зиёд саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарди. Жундан тўқилган қалин гилам, шунингдек поёндоз, кийим-кечаклар, айниқса, харидоргир бўлаяпти. Эътибор беринг-а, кичик корхона жунни «Зарафшон» жамоа хўжалигидан олиб, қайта ишлайди, тикув материаллари эса, Бухоро тўқимачилик комбинатидан анча арзон баҳода келтирилмоқда.

Дарвоқе, бу ерда айни кунда мактаб ўқувчилари учун ҳам турли кийим-кечаклар тайёрланаяпти. Улар ҳадемай мактаб бозорларини тўлдириб юборса, ажаб эмас.

ИШДА ИХЛОС БЎЛСА БАС...

Урганч туманида «Энг яхши мактаб», «Энг яхши фан кабинети», «Энг яхши иқтисод асослари хонаси» деб номланган кўрик-танлов ниҳоясига етди. Ҳакамлар ҳайъати натижаларни обдон кўриб чиққач, 1-ўринни Алишер Навоий, Бобур ҳамда Х. Зарипов номидаги мактабларга бўлиб берди. Ғолиблар энди вилоят миқёсида ўтадиган ана шундай танловда иштирок этиш учун ҳозирлик кўришмоқда.

ТАРИҲНИ БИЛИШ ҲАМ БАХТ

Яқинда журналист У. Сатторов, Охунбобоев номидаги мактабнинг тарих фани ўқитувчиси А. Ражабов, Ойбек номидаги мактаб ўқитувчиси Ш. Аҳмедовлар «Қизилтепа тумани тарихи» китобини ёзиб тугатишди. Туман босмахонасида кўп нусхада чоп этилган мазкур рисолада туманнинг иқтисодий, ижтимоий ҳаётига доир қизиқарли лавҳалар акс этган. Рисола ўқувчилар, ўқитувчилар, умуман тарих ишқибозлари томонидан қизғин кутиб олиниши шубҳасиздир. Қолаверса, бу китобдан дарс жараёнида қўшимча манба сифатида фойдаланиш ҳам мумкин.

МУАЛЛИФЛАР: Баҳодир ЭГАМОВ, Ғойиб ЁҚУБОВ.

ММММ

ХАБАРЛАРИ

ҚЎЛЛАНМАЛАР СИЗГА МУНТАЗИР

(Давоми. Боши 1-бетда).

Сўнгра Республика таълим илмий методика маркази билан ҳамкорликда вилоятлар бўйича ҳар бир синф ва ҳар бир йўлланма учун лимит аниқланади ва шу асосда дарслик ва қўлланмалар жўнатилади.

Дарсликлар вилоят китоб савдоси шохобчаларига юборилади. У ердан халқ таълими бўлимлари орқали мактабларга етказилади. Навоий, Самарқанд, Қашқадарё, Бухоро, Жиззах вилоятларига контейнерларда, қолган вилоятларга эса машиналарда (Тожикистон орқали) элтиб берилади. Барчамиз учун янгилик — бу йил 1-синф ўқувчилари лотин ёзуви асосидаги янги ўзбек алифбосида сабоқ оладилар. Улар учун ҳамма дарсликлар тарқатиб бўлинди.

х х х

Кнара ГРИГОРЬЯНЦ, 52-дўконнинг методик қўлланмалар билан таъминлаш бўлими мудири:

— Биз пойтахт туманларидаги ўрта мактаблар, лицейлар, меҳрибонлик уйлари, махсус мактаб-интернатлар, 1, 2-педагогика билим юртларига хизмат қиламиз. Шаҳар халқ таълими бош бошқармаси билан биргаликда иш юритамиз. 1996-97 ўқув йили учун лимит бўйича ўзбек тилида 61 номда, таълим рус тилида олиб бориладиган мактаблар учун эса 8 номда қўлланма жўнатиш керак бўлса, шундан ўзбек мактабларининг 4, 5, 6, 7, 8, 9, 11-синфлари учун 51 номдаги қўлланма тарқатилди. Фақат 10-синф учун битта қўлланма қолди, холос. Таълим рус тилида олиб бориладиган мактаблар учун 8 номдаги қўлланманинг барчаси тегишли жойларга етказиб берилди. Демак, режанинг 85 фоизи амалга оширилди, 15 фоизи бажарилиш арафасидадир.

Дарслик ва қўлланмалар босмахонадан бир йўла магазинимизга келтирилади. Шу ердан туман халқ таълими бўлимлари орқали илм масканларига етказилади.

1-синфлар учун чиқарилган «Савод» алифбеси Мирзо Улуғбек, Сирғали, Ҳамза, Чилонзор, Яккасарой, Юнусобод туманлари мактабларига, «Шодлик» алифбеси эса пойтахтимизнинг қолган туманларидаги илм масканларига юборилди. Дўконимизда янги қўлланмаларнинг тўхтаб қолиш ҳоллари бўлмаяпти.

Суҳбатдош Д. ХУЖАЕВА.

Она алласини тинглаб, улғайган ўғил-қизлар келажакда энг олижаноб инсонлар бўлиб етишадилар. Тошкент шаҳар Ҳамза туманидаги 1-ўй-жой қурилиш комбинатига қарашли 1-болалар боғчаси жамоаси бу каби миллий қадриятларимизга қатъий амал қилишмоқда.

Суратда: тажрибали тарбиячи Зиёда Азаметова болажонларга унутилаёзган қадрият ва анъаналаримиз ҳақида тушунча бераяпти.

Р. АЛЬБЕКОВ олган сурат.

Мактабгача тарбия муассасаларида

БОЛАЖОН ТАРБИЯЧИЛАР

Косонсой шаҳридаги «Лола» болалар боғчасида 115 нафар кичкинтой тарбияланаётир. Бу тарбия маскани теварак-атрофи кўринишининг ўзи болаларга эстетик завқ-шавқ бағишлайди. Ранг-баранг гуллар, турли хил мевали дарахтлар, узумдан то бодомгача мавжуд бу масканда.

Мазкур боғчанинг бошқаларидан ўзига хос томони шундаки, бу ерда кўзи ожиз ота-оналарнинг ҳам фарзандлари таълим-тарбия оладилар. Шу боис тарбиячилар ҳамда медицина ҳамшираларининг кичкинтойлар билан иш олиб бориши бироз мураккаб ҳамда масъулиятлидир.

Болалар боғчасига изланувчан, тиниб-тинчимас Ханифа Жалилова мудиралик қилади.

— Меҳри дарё тарбиячиларимиз ҳар хил оилада тарбияланган болаларнинг кунглини топиб, уларга мос машғулотлар ўтказишади, — дейди Ҳ. Жалилова. —Зарифа Асанова, Зулфия Азизова, Нодира Ҳасановалар ана шундай моҳир тарбиячилардир. Улар ҳамиша жажжи кичкинтойлар атрофида парвона.

Ҳа, келажагимиз бунёдкорлари бўлмиш дилбандларни тарбиялашда ҳеч қачон чарчаманг, болажон тарбиячилар!

П. БУХОРОВ, ўқитувчи, меҳнат фахрийси.

ҒОЯЛАРДАН САБОҚҚА

Август кенгашларига

БУ ЙИЛ ҲАМ ОДАТДАГИДЕК ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИ «МУСТАҚИЛЛИК ДАРСИ» БИЛАН БОШЛАНАДИ.

Мана, йиллар карвони мустақил Узбекистон байроғини беш йиллик манзилга дадил етаклаб келмоқда. Дунё харитасида азалдан ўрни бўлган бу дилбар Ватан қўпчиликнинг тилидан тушмай қолди. Шундан буён ҳар ўқув йилини «Мустақиллик дарси» билан бошлаш анъанага айланди.

Ушбу дарс ўқувчилар қалбида иймон ҳиссини мунаввар этиб, она-Ватанга, унинг иродали халқига меҳр-муҳаббат уйғотиши табиийдир. Шу боис, аввало, дарс ўтиладиган жойни юксак дид билан жиҳозлашга катта эътибор бермоқ керак.

Синфнинг олди томонига — тўрдаги бурчакка қўйилган Узбекистон Республикасининг давлат байроғи, унинг ёнига осилган республика харитаси, ёзув тахтасининг ўнг томонидаги мустақиллик рамзи бўлмиш давлат гербининг тасвири туширилган плакат, унинг пастига илинган жаҳон харитаси мавзу маъносига ўйғунлик бахш этади. Синф хонасининг атрофига «Узбекистон — келажаги буюк давлат», «Туркистон — умумий уйимиз», «Гўлла, яшна, ҳур республикам»,

«Узбек қўп бугун ер юзида аммо,
Оламда бошқа Узбекистон йўқ,
Шу осмон сеники ва шу озод юрт,**

Шу тупроқ сеники, кузларингга сурт».

Дарснинг кириш қисмида ўқитувчи юз берган миллий истиқлол тафсилотлари ҳақида сўзлаб, мустақиллик шарофати билан боғлиқ улкан ўзгаришларни мулоқот тарзида олиб борса, яхши бўларди.

Мамлакатнинг бирор жабҳаси йўқки, истиқлол шабадаси эсмаган ёки янгиланишу ўзгаришлар сезилмаётган бўлсин. Бир соатлик суҳбат чоғида барча соҳаларда юз бераётган ислоҳотлар ҳақида сўз юритиш қийин, албатта. Имконият даражасидан келиб чиққан ҳолда ўқувчилар мамлакатимизда юз берган ва содир бўлаётган ўзгаришлар ҳақида сўзлашади, баҳс юритишади.

Ўқувчилар олдиндан тайёрлаб қўйилган қўрсаткичларни қўлларига олишиб, фикр алмашишади. Беш йилда бажарилган сиёсий- иқтисодий, маданий-маърифий ва мафкуравий ислоҳотларни мисолларда қўрсатишиб, далиллаб берсалар, ўз юртлари ҳақида бой тасаввурга эга бўлишади.

Дарснинг асосий қисмида Ватан келажагини буюк қилишдай улкан вазифа кимларнинг зиммасида эканлиги аниқланади. Ўқитувчи айрим ўқувчиларнинг фикрларини ўрганганча, юртимиз солномаларига мурожаат этади. Ҳамма вақт ҳам озод мамлакатни обод этишни мукаммал тарбия топганлар бунёд этишган.

Аҳмад Яссавий, Абу Абдуллоҳ ал-Бухорий, Абу Исо ат-Термизий, Баҳоуддин Нақшбанд, Аз-Замаҳшарий, Бурҳониддин Марғиноний, Нажмиддин Кубро, Абу Наср Форобий, Ал-Беруний, Ал-Фарғоний, Муҳаммад ал-Хоразмий, Маҳмуд Кошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, боринги, бу сахий заминнинг фоний дунё жаннатига айлантирмоқ иштиёқида, бунёдкор, ҳар томонлама етук-комил инсонлар этиб, шарқона тарбия бермоқ ишқида елиб-юғуриб, имконини топиб-тополмай армонда кетган минг-минглаб юртдошларимиз орзулари ушаладиган кунлар келгани ҳақида сўз юритилади. Бошимизга Хумо қуши қуниб, юртбошимизнинг фидокорона саъй-ҳаракатлари эвазига мамлакатни буюк этмоқ учун имкониятлар яратилгани ҳақида гапирилади.

Ватан алломалари томонидан олга сурилган, юзлаб шарқона ўгитлардан баҳраманд бўлган миллий мафкурани яратиш борасидаги ғоялар ҳақида ўқитувчи сўзлаб беради. Миллий мафкуранинг асосини диёнатли, адолат ҳисси кучли, қалби иймон нури билан суғорилган, гуноҳ ишлардан ҳазар қилувчи, савоб ишларни фахр деб билувчи, маърифатни ҳамёним, ақл-динимнинг асоси, илм-қуролим, сабр-чопоним, иймон - қувватим, ростгўйлик — шафоатим, деб билгувчилар фазилатлари борасида муаллим нутқ ирод қилади. Аввало, имом Бухорий ва Исо ат-Термизий ҳадисларини чуқур ўрганиш, ундаги гўзал хулқлардан ибрат олиш зарурлиги ҳақида гапириб, ана шундай камолга етакловчи «гўзал ахлоқ» ҳақида сўз юритилади.

Биринчидан, Имом ал-Бухорий ва Абу Исо ат-Термизий ҳодисаларию Аҳмад Яссавий ҳикматлари, Баҳоуддин Нақшбанднинг «Дил ба ёру даст ба кор» (Қўл меҳнатдаю дил Аллоҳда бўлсин) ғояси асосида яратилган таълимоти; Б. Марғиноний, Н. Кубро ва Аз-Замаҳшарийларнинг қадрият дурдоналари «Хусни хулқ» учун замин бўлиши, иккинчидан, Форобий, Беруний, Навоийлардек алломаларнинг ахлоқий-фалсафий қарашларини инобатга олиб қолиш инсон туйғусини тарбиялаш масаласи мустақиллик дарсидаги бош ғоя бўлиши керак.

Учинчидан, Мангуберди, Заҳириддин Бобур, Дукчи Эшон, Мадаминбек, айниқса, Амир Темурнинг ватанпарварлик ғоялари («Миллатнинг дардларига дармон бўлмоқ вазифангиздир. Адолат ва озодлик дастурингиз, раҳбарингиз бўлсин! (Амир Темур васиятидан) комил инсон тарбиясида муҳим роль ўйнайди.

Тўртинчидан, Машраб, Нодира бегим, Фурқат, Беҳбудий ва Мунаввар қори, Фитрату Чўлпон, Соғунийлар қадрияти инобатга олиниб, гўзал хулқни камолга етказишдаги роли ҳақида ҳикоя қилинади.

Бешинчидан, жаҳоннинг ҳозирги замон илғор маданият учоқлари эстетик анъаналари асосида умуминсоний маданият дурдоналаридан баҳраманд бўлиш кабилар миллий мафкура шаклланишида муҳим эканлиги таъкидланади.

Гўзал хулқли инсонларгина Узбекистон келажагини буюк этиш қудратига эга бўлишлари мумкин. Шундагина буюк келажакни соғлом ва маданиятли фарзандлар етиштирган халқ яратади, деб айта оламиз.

М. ТУРОПОВА, республика таълим маркази мактабдан ва синфдан ташқари таълим-тарбия бўлимининг мудири.
М. УСМОНОВ, Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги 85 -мактаб ўқитувчиси.

ОРЗИҚИБ КУТИЛГАН ЛАҲЗАЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда).

мий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтидан бошқа олий ўқув юртига йўл олдик.

х х х

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш муҳандислари институти, деганлари ҳайҳотдек жой. У ердаги баланд-баланд салобатли ўқув бинолари, ётоқхоналар анчайин шоштириб қўяди. Бироқ биз тест синовлари ўтказилаётган бинони қийналмай топдик. Чунки деворларга ёпиштирилган йўриқномалар бизни тўппа-тўғри ўша ерга «етаклаб» борди.

Бу жой ҳам узоқ-яқиндан келган, ҳаяжонли, интиқ қиёфали кишилар билан гавжум. Бизнинг диққатимизни, аввало, серсоя дарахтлар тагидаги ўт-ўланлар устида ёнбошлаб ётган отахон тортди. Беихтиёр у киши билан суҳбатга киришиб кетдик. Бу киши қўқонлик бўлиб, исм-шарифлари Йўлдошалиев Адҳам экан.

— Адҳам ота, бу ерда бирортасини кутяапсизми?

— Ҳа, неварам имтиҳонга кириб кетди. Уни кутиб, ўтирибман-да.

— Оворагарчиликка қолибсиз-да, ота. Ахир неварангиз имтиҳонларни топшириб ўзи борарди-ку?!

— Э-ей, болам, ҳозирги пайтда бировга ишониб бўладими, мабодо йиқилиб-пиқиб қолса, фойдам тегадими, деб турибман-да?

— Сизнинг қандай фойдангиз тегиши мумкин?

— Мен ахир, фронтовикман, орденларим бор, зора ҳисобга олишса...

Адҳам ота билан суҳбатлашгач, кишилар тўпланиб қизғин баҳслашаётган жойга бордик. У ерда ҳозиргина тест синовларидан чиқиб келган абитуриент мамнун кайфиятда тўпланганларни тинчлантирарди.

— Ичкарида ҳеч қандай қинғирликлар бўлаётгани йўқ. Масъул кишилар тартиб-интизомни қаттиқ назорат қилиб турибдилар. Ишқилиб, бошида билими бор абитуриент армонда қолмайди, — дерди у.

х х х

Тошкент юридик институти ҳақида ким ҳам эшитмаган, дейсиз. Тўғриоғи, бу нуфузли илм маскани атрофида юрган турли-туман миш-мишлар ҳақида эшитмаганлар камдан-кам топилади. Шу сабаб ҳам бугун, 1 август куни бу ердаги ҳақиқий аҳвол билан танишиш истаги бизни шу институт томон бошлаб келди.

Тошкент юридик институти йўлаклари ҳам барча олий ўқув юртларидагидек гавжум. Интиқ-интизор, ҳаяжонли, ҳадикли, севинчли, чеҳралар. Бу ерда ҳам тест синовларидан аллақачон қутулиб чиққан абитуриентлар талайгина. Улардан бири билан танишдик: Муминов Шерали, сурхондарёлик.

— Шерали, тест саволлари сизни қийнаб қўймадими?

— Йўқ, чунки барча саволлар ўша «Ахборотнома»дан келди. Тўғрисини айтсам бу ҳолдан анча ҳижолатдаман, гўё, тайёрга айёрлик қилгандек, ўзимни ноқулай ҳис этаяпман.

— Ичкарида шубҳали хатти-ҳаракатлар сезиладими?

— Шахсан мен ҳеч нарса пайқамадим, тартиб-назорат қатъий...

Бизнинг суҳбатимизга қашқадарёлик меҳмон Эргаш Қулмуродов аралашди:

— Мен оддий бир сураткашман. Тўғрисини айтсам, бугунги олий ўқув юртларига қабулнинг ташкил этилишидан жуда мамнунман. Ҳаммаси тартибли, қоидали. Юртимизга адолат, ҳақиқат кириб келаётганига энди ишондим. Мана, ўғлим ҳозиргина тест синовларидан чиқди. «Ота, талаба бўлганимга ишониб турибман» деяпти. Қувончимиз чексиз.

Ҳа, бугун барчанинг қувончи чексиз. Зеро, эзгуликка интилган юрт барча соҳаларда ҳам, энг аввало, Адолат мезонига таянади. Биз бу ҳолга ҳаммамиз гувоҳ бўлиб турибмиз.

Лўқмон БУРИХОН, Норали АСЛОН, «Маърифат»нинг махсус мухбирлари.

ДАСТУР АСОСИДАГИ ТАЖРИБАЛАР

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимидаги бошланғич синфларда хорижий тилларни ўқитишни яхшилаш юзасидан қабул қилинган қарорга асосан Юнусобод туманидаги 9-, Чилонзор туманидаги 90-, Шайхонтоҳур туманидаги 41-мактабларда, шунингдек, Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ туманидаги 43-, Қибрай туманидаги 16-, Олмалиқ шаҳридаги 18-мактабларда тажриба-синов майдончалари ташкил этилди. Ана шу дастур ҳамда ишланмалар асосида тажриба ишлари олиб борилди.

Биз эса бу синовда ўзимизнинг тажрибаларимиздан келиб чиқиб, тажрибакор ўқитувчиларга методик ёрдамимизни бердик. Ҳар бир туманга бориб ўтказилаётган барча тажриба-синов майдончаларида ўқитувчилар билан фикр алмашдик.

Юнусобод туманидаги 9-мактаб бошланғич синф инглиз тили ўқитувчиси М. Тўхтаева биз олиб бораётган тажриба-синов ишларида фаол қатнашди. Чилонзор, Шайхонтоҳур туманларидаги 90, 41-мактабларда фаолият кўрсатаётган ўқитувчилардан Доно Рустамова ва Н. Жалоловалар ҳам ўз тажрибаларини тажриба-синов майдончаларида кўрсатдилар. Уларнинг олиб борган дарсларида тажриба-синов ишлари яхши натижалар берди. Ўқувчиларнинг инглиз тилига қизиқиши кучайди, дарсларнинг жуда қизиқарли ва мароқли ўтиши таъминланди.

1996-1997 ўқув йилларида бошланғич синфларда хорижий тилларни ўқитиш давом этади, яъни эксперимент 2-синфларда олиб борилади. Шу боис бу йилги анъанавий августи кенгашларининг бошланғич синф шўъбасида биз илмий ходимлар томонидан ишлаб чиқилган I-IV синфлар учун дастур лойиҳаси ва барча ишланмалар асосида кенг фикр юритилади. Утказилган тажриба-синов натижалари таҳлиллари бўйича аниқ таклиф мулоҳазалар билдирилади деб ўйлаймиз.

Д. ҚОДИРОВА, С. ПЎЛАТОВА.

БАРВАҚТ УДДАЛАНДИ

Баҳористон туманидаги мактаблар ва мактабдан ташқари муассасаларда таъмирлаш ишлари жорий йилда аввалги йилларга нисбатан анча олдин тугалланди. Бу борада туман ҳокимлиги, қурилиш идоралари ҳамда оталиқ ташкилотларининг хизматлари катта бўлди.

Таъмирлашни тез ва сифатли амалга оширишда ўқитувчилар ҳам алоҳида намуна кўрсатиб, қурувчиларга ёрдам бердилар. Жумладан, улар синфхоналар, кабинетларни ҳозирги замон талаблари асосида дид билан оқлашбуяш ишларини бажардилар.

Таълим-тарбия масқанларини намунали таъмирлашда Махтумқули номли, Ҳ. Исмадиёр номли, А. Раҳимов номли ва бошқа жамоа хўжаликларининг амалга ошираётган ишлари мақтовга сазовордир.

Асрор ҚИЛИЧЕВ.

ҲОКИМНИНГ ЁМОН КЎРГАН БИР ГАПИ БОР

Таллимаржонда бўлганмисиз? Таллимаржон Қашқа воҳасининг Нишон туманида— мустақил Узбекистонимизнинг бир четида жойлашган навқирон шаҳар. Бу шаҳарда шундай қуча борки, унинг у ёғи Тукрманистон, бу ёғи Узбекистон. Ҳар иккала халқнинг ҳам дарёси-ю даласи, урф-одати, тили ва дили бир. Таллимаржонда юртлар алоҳида-алоҳида бўлса-да, туркману ўзбек ўртасида қон-қардошлик, энг яқин ҳамсоячилик ришталари боз аввалгидек, балки ундан ҳам мустаҳкамроқ. Бу ҳақда Таллимаржон шаҳар ҳокими Абдурозиқ ака Худойбердиев шундай деди: «...Биз туркман оғайниларимиз билан азал-азалдан бир дарёдан сув ичиб, бир яйловда қўй боқиб келамиз, қуда-анда бўлиб кетганмиз. Бизнинг боболаримиз қадимдан бир масжидда намоз ўқиб келишган. Дўстлигимиз абадий... Мана яқиндагина туркман болалари, муаллимлари бизнинг меҳмонимиз бўлишди, улар шаҳримиз болалари билан ўзаро дўстлик мусобақаларини ўтказиб, ўйнаб кетишди... «Бор товоғим, кел товоғим. Бормасанг, келмасанг ўртада син товоғим». Энди биз борамиз...»

Таллимаржонликлар бизни шаҳарда амалга оширилаётган бир талай ибратли ишлар билан яқиндан таништирдилар. Ажойиб ўйингоҳ бунёд этилибди, гир атрофига кўчатлар ўтказилибди. Ҳашар йўли билан шарқона услубда мачит қурилиб, мўмину мусулмонлар ихтиёрига топширилибди. Шаҳар марказидаги маданият саройи беками-кўст таъмирланиб, унинг қошида кўплаб тўгарак ва бадиий дасталар иш бошлабди. Таллимаржоннинг қоқ марказида спорт мажмуаси ташкил этилиб, бу ерда 200 нафарга яқин ёшлар спортнинг барча турлари билан шуғулланишаяпти...

Таллимаржонда амалга оширилаётган барча амалий ишларда шу манзилда жойлашган Қарши бош каналини ишлатиш бошқармасининг ҳомийлиги бор. Бошқарма директори Бобоназар ака Ражабов ўзларининг камтарлиги ва юртимиз учун фидойиликлари, маориф ишига жонкуярликлари билан бизда жуда катта таассурот қолдирдилар. Шаҳарда мавжуд бўлган 3 та болалар боғчаси, Аҳмад Яссавий номидаги мактаб, шифохона, ҳунар-техника билим юрти ҳар йили ана шу фидойи инсоннинг ҳомийлиги билан бошқарма маблағи ҳисобидан таъмирланиб келмоқда. Биргина мисолга эътибор беринг-а. Бошқарма маъмурияти айни кунда А. Яссавий номидаги ўрта мактабни ўз ҳисобидан таъмирлатяпти. Бунинг учун 950 минг сўм ажратилибди. Каналчи ходимларга, уларнинг раҳбарларига раҳмат. Эшиги эшигига тўташ илм масканида ўтказилаётган оммавий бир тадбирга ҳатто юз сўм ёрдам кўрсатмасдан келаётган ташкилоту раҳбарлар Қарши бош каналини ишлатиш бошқармасидан ибрат олсалар яхши иш буларди.

«... Менинг қулоғимга ёмон эшитиладиган бир гап бор, — деди Бобоназар ака Ражабов. — «Мактаб ўқувчилар маблағи ҳисобидан таъмирланди». Бу қандай гап, ўқувчининг маблағи борми? Ўқувчининг маблағи ота-онасидан қўярда-қўймасдан олиб келган 50 ёки 100 сўм пули-да!.. Имконияти бор ташкилот ва раҳбар мактаб ёки боғчадан ёрдамини аямаслиги керак. Бу эскичага ҳам, янгичага ҳам савоб...»

Бобоназар акадек ҳақ гапи билан иши бир бу раҳбардан хурсанд бўлдик.

Биз Таллимаржондаги Аҳмад Яссавий номидаги мактабда, «Лола» болалар боғчасида, ҳунар-техника билим юртида амалга оширилаётган бир қатор ибратли ишларни кўриб суюндик ҳам.

Абдували ОБИДДИНОВ.

ЖАДАЛЛИК ВА СУСТКАШЛИК

ёхуд бир туманда икки манзара

(Давоми. Боши 1-бетда).

ди:

— Янги уйга янгича жиҳоз ярашади, дейишади. Биз бу ерга янги стол-стул, парталар ўрнатишни мўлжаллаяпмиз. Бунга имкониятимиз етарли.

Мазкур қурилиш объектида ишлаётган қурувчи усталардан ўзларига яратилган шароитлар хусусида сўраганимизда, улар мамнун эканликларини баён этишди. Тўғриси, бу ердаги ташкилотчиликни, қурувчилар кайфиятининг аълолигини кўриб, кўнгилда уларга нисбатан меҳр ва ишонч ҳисси жўш урди. Ишларнинг яхши ташкил этилганлигига тўла амин бўлиб, иккинчи қурилиш объекти сари сафарни давом эттирдик.

«Боғи-афзал»» жамоа хўжалиги ҳудудида янги қурилаётган 17-мактабни кўздан кечирдик. Аммо бу ердаги манзарани кўриб, таъбимиз хира тортди. Боиси, қурилиш бораётган майдонида бир дала янтоқ гуллаб ётибди. Чала бинонинг деворига осилган темир «доска»да қурилиш кранининг юк кўтариш ҳажми рус тилида ёзилганча «савлат» тўкиб турибди. Бинонинг иккинчи қавати томи ҳали ҳам ёпилмаган. Буюртмачи — вилоят ҳокимлиги напитал қурилиш бошқармаси томонидан бу объект 105 - механизациялашган кўчма колоннага ишониб топширилган. Лойиҳа бўйича 844 ўринли бу мактаб қурилишида ишлар таққа-тақ тўхтаган. Бу ерда ҳам туман ҳокимлиги томонидан қурилиш ишларини тезлаштириш мақсадида яна бир қурилиш ташкилоти, (203-МПК) биркитилган экан. Лекин биз бор-йўғи 5-6 ишчини кўрдик, холос. Улар ҳам биздан олдинроқ нарсаларини кўтариб бошқа қурилиш объекти томон кетишаётганини айтиб, йўлга тушишди. Қурилишнинг нима сабабдан тўхтаб қолганини 105-ПМК прораби И. Очиловдан сўраганимизда, у киши зарур қурилиш материалларининг умуман йўқлигини айтди. Масалага ойдинлик киритиш мақсадида биз 105-механизациялашган кўчма колонна идораси томон йўл олдик. Аммо бахтга қарши (тушга яқин вақтда борганимиз боис бўлса керак) бошлиқни тополмадик.

Қурилаётган 17-мактаб директори, кекса педагог Зайни Ҳакимов бизга шундай дейди:

— Вилоят ҳокимлиги капитал қурилиш бошқармаси буюртмачи сифатида вилоят қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш саноати бошқармасига пул ўтказган. Аммо пул 105-механизациялашган кўчма колонна ҳисобига ҳали келиб тушмаган. (Биз 105-механизациялашган кўчма колонна ҳисобчисига юзланганимизда ҳам шу жавобни олдик).

Шу ўринда нега, деган ҳақли савол туғилади. Қурилишга ажратилган 4,5 миллион сўм маблағ қачон ўз ўрнини топади? Аммо бу саволлар қоронғулигича қолмоқда. Қурилишда иш «суръати» шу йўсинда кетаверса, янги мактаб биноси 1 сентябрь у ёқда турсин, 1996 йилда ҳам битмаслиги аниқ. Бизнингча, буюртмачи ижрочига воситачи орқали пул ўтказмай, балки тўғридан-тўғри ўтказганида ишга аллақачон киришилган бўлармиди?

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Шофиркон тумани ҳокимлиги ҳар иккала мактаб қурилишини ишчи кучи, зарур техника билан таъминлаб турибди. Аммо вилоятда қурилишга масъул айрим ташкилотларнинг раҳбарлари қарор ижросига ҳануз панжа ортидан қараб келмоқдалар. Бу депсиниш қачонгача давом этади? Бу саволга бизга вилоят қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш саноати бошқармаси нима деб жавоб берар экан. Қолаверса, вилоят ҳокимлиги қарорнинг ижроси учун асосий жавобгар эмасми?

Норали ОЧИЛОВ, «Маърифат»нинг махсус мухбири.

Иқтисод сабоқлари

ЎЗБЕКИСТОН СОЛИҚ ТИЗИМИ

Ўзбекистон мустақиллигининг беш йиллиги давомида эришилган муваффақиятлардан бири республикамизда амалга оширилаётган бозор ислоҳоти талабларини эътиборга олиб, мустақил солиқ тизимини барпо қилинишидир. Бу тизимни шакллантиришда кўп асрли Ўзбекистон молия тарихи, айниқса, Соҳибқирон Амир Темур салтанатида вужудга келган солиқ тизими ва жаҳоннинг барча мамлакатларида тўпланган солиқларни бошқаришдаги бой тажрибалардан фойдаланилди.

Олдинги мақоламизда кўрсатилганидек («Маърифат», 27 июль 1996 йил), Ўзбекистон давлат бюджети ҳукуматимизнинг иқтисодий, ижтимоий, маданий, мудофаа, бошқариш ва бошқа тадбирларини амалга ошириш учун ташкил қилинадиган пул маблағлари фонди ва ундан фойдаланишдаги бир томондан давлат, иккинчи томондан юридик ҳамда жисмоний шахслар ўртасидаги пул муносабатларининг мажмуидир.

Бюджет икки қисмдан: даромад ва харажат қисмларидан ташкил топади. Бюджетнинг даромад қисми, яъни марказлаштирилган пул маблағларининг бюджет фондини шакллантиришда солиқлар ҳал қилувчи роль ўйнайди. Солиқлар корхоналар, ташкилотлар, фуқаролар даромадларининг бир қисмини қонунлаштирилган тартибда, миқдорларда ва муддатларда бюджет фондини ташкил қилиш мақсадида давлат ихтиёрига олинадиган пул маблағларидир.

Солиқ тизимининг таркиби ва вазифалари солиқ сиёсати асосида белгиланади. «Солиқ сиёсатининг вазифаси,—деган эди И. А. Каримов,—бир томондан, бюджет даромадларининг барқарор сафарбарлигини таъминлашдан, иккинчи томондан, корхоналарни республикалар учун зарур бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришини кўпайтиришга рағбатлантиришдан иборат (И. А. Каримов, «Ўзбекистоннинг ўз истиқбол ва тараққиёт йўли». 1992 йил, Т., 60-бет).

Республикамиз мустақилликка эришгандан кейинги дастлабки вазифалардан бири янги асосларда солиқ тизимини барпо қилишдан иборат бўлди. Солиқ ва солиқ тизими тушунчалари бир-бирига яқин, лекин турли йўналишдаги тушунчалардир. Солиқ тизими фақат солиқлар мажмуасинигина эмас, балки солиқларнинг ички тузилиши ва ҳисоблаш услублари ва бошқа ҳуқуқий йўналишларни кўзда тутади. Солиқ тизими тушунчасига, биринчидан, солиқларнинг рўйхати, уларни гуруҳларга ажратилиши, иккинчидан, солиқ ҳуқуқи масалалари, учинчидан, солиқларни ҳисоблаш ва ундириш, солиқ ишларини бошқариш тушунчалари киради. Солиқлар асосан 4 гуруҳ бўйича тартибга солинадилар:

1) Давлат аҳамиятига эга бўлган солиқлар ва маҳаллий солиқлар.

2) Бевосита ва билвосита солиқлар (тўғри ва эгри солиқлар),

3) Юридик шахслар ва фуқаролар тўлайдиган солиқлар, солиқ кўринишига эга бўлган солиқсиз даромадлар.

Давлат солиқлари, асосан, республика бюджетининг даромади ҳисобланади. Бу солиқларга фойдадан (даромаддан) олинадиган солиқ, корхоналардан олинадиган мол-мулк солиғи, ер солиғининг бир қисми, акциз, қўшилган қиймат солиғи, ташқи савдодан бож ва бошқалар киради. Бундан ташқари конлардан олинадиган солиқ, сув учун олинадиган ҳақ ҳам шу солиқлар қаторига киради.

Маҳаллий солиқ ва йиғимлар ҳақида республика Олий Мажлиси қонун чиқариб, уларнинг хиллари ва маҳаллий кенгашларнинг ҳуқуқларини белгилаб берган. Бу солиқ ва йиғимлар 20 га яқин. Уларнинг айримларини маҳаллий ҳудудларда жорий қилмаслик мумкин. Улар 4 гуруҳга бўлинади:

1) Мол-мулклардан олинадиган солиқ (бу гуруҳга жисмоний шахслар мол-мулкидан олинадиган солиқ, ер солиғининг бир қисми, транспорт воситалари эгаларидан олинадиган солиқлар киради).

2) Лицензия (рухсатнома) учун тўловлар (савдо ҳуқуқи учун йиғим, аукцион ва лоторея ўтказиш учун йиғим, жисмоний шахсларга, тадбиркорликка рухсат бериш учун йиғим).

3) Хизмат кўрсатгани учун олинадиган солиқ (автомашиналарни сақлаб бергани, кино ва телевизорга суратга олувчилардан йиғим, озода сақлаш ва бошқалар учун йиғим киради).

Маҳаллий солиқлар бўйича ташкилотлар ва фуқароларга енгилликлар берилади.

Бевосита (тўғри) ва билвосита (эгри) солиқлар ўзларининг алоҳида объектларига эга. Тўғри солиқлар фойда, даромад, иш ҳақи, гонорар, ер-мулк ва бошқа даромадлардан ва манбалардан олинади. Эгри солиқлар (билвосита солиқлар) сотиладиган товарлар ва кўрсатиладиган хизматларнинг баҳолари ва олинадиган хизмат ҳақларига нисбатан устама сифатида ҳисобланиб, айрим ставкалар асосида олинади.

Солиқнинг солиқсиз даромадлардан фарқи шундан иборатки, у орқали тўловчиларнинг даромадлари тартибга солинади, енгилликлар ва тўлаш муддатлари кўрсатилади. Солиқсиз даромадларга давлат идоралари томонидан кўрсатилган хизматлар учун (масалан, нотариус, ЗАГС) олинадиган бож, шунингдек, деҳқон бозорларидан олинадиган йиғим ва бошқалар киради. Солиқсиз даромадлар асосида даромадлар тартибга солинмайди ва тўлаш муддатлари кўрсатилмайди.

Бундан ташқари солиқ кўринишига эга бўлган, лекин солиқ ҳисобланмайдиган даромадлар ҳам бор. Буларга жарима ва бошқалар киради. Лекин суғурта ташкилотлари оладиган суғурта тўловлари, шунингдек коммунал хўжаликлар корхоналари оладиган (газ, электро энергия ҳақи) ундирма солиқ ҳисобланмайди. Ундирмалардан тушган маблағ бюджетга олинмасдан кўрсатилган ташкилотлар ихтиёрига ўтказилиб, уларнинг ҳаражатларини қоплашга сарфланади.

Юқорида кўрсатилган ва бюджет фондини ташкил қилишда иштирок этадиган солиқлар асосан икки функцияни (доимий такрорланиб турадиган вазифаларни) бажаради. Биринчиси, хазина функцияси (Фискаль функцияси), иккинчиси иқтисодий функция, солиқларнинг хазина функцияси уларнинг ўзига хос вазифаларидан бири ҳисобланиб, унинг асосий мақсади давлат харажатларини қоплаш учун хилма-хил фондларни шакллантиришга замин яратиш, ёрдам беришдир. Бу функция ёрдамида миллий даромаднинг бир қисми давлат ихтиёрида марказлаштирилади. Иқтисодий функция орқали давлат ишлаб чиқаришни ривожлантиришга таъсир кўрсатади, ишлаб чиқариш ривожланган сари бу функциянинг доираси кенгаяди. Солиқлар ҳисобидан иқтисодиётни ривожлантиришга кўплаб маблағ ажратилиши, тўловчиларни рағбатлантиришга аҳамият берилиши, бозор иқтисодиёти вазифаларини бажаришга ёрдам беради. Солиқларнинг кўрсатилган функцияларини амалга оширишда солиқ ҳуқуқи муҳим аҳамиятга эгадир.

Солиқ ҳуқуқи солиқларнинг хиллари, уларни ҳисоблаш, ундириш ёки бекор қилиш, тўлаш муддатлари, енгилликлар белгиловчи нормалар мажмуасидир. Солиқ ҳуқуқининг асоси Ўзбекистон Конституцияси ҳисобланиб, бу асосий ҳужжатнинг 123-моддасида кўрсатилганидек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ягона солиқ тизими амал қилади, солиқлар фақат Олий Мажлис томонидангина белгиланади. Ҳар бир солиқни жорий қилиш учун Олий Мажлис тегишли фармон қабул қилади. «Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинадиган солиқлар ҳақида»ги (1992 йил 15 февраль) Қонунда, манбалардан ва мулк шаклларидан қатъи назар, барча даромадлардан солиқ тўлаш мажбурийлиги, солиқлар орқали рағбатлантириш ва назорат ўрнатиш масалалари баён қилинган. Ана шу тавсияларни амалга ошириш учун ҳар бир солиқ ҳақида қонун ишлаб чиқилганда қуйидаги элементлар (унсурлар)нинг мавжудлиги кўзда тутилади.

1) Солиқ субъекти (солиқ тўловчилар, юридик ва жисмоний шахслар).

2) Солиқ объекти (солиқни ҳисоблашга асос бўладиган манба).

3) Солиқ ставкаси (солиқ нормаси).

4) Солиқ имтиёзлари.

5) Солиқ тўлаш муддатлари.

Солиқ ҳақида қонун қабул қилингандан кейин унинг моддаларини шарҳлаш учун дастуриламал ҳам эълон қилинади ва қонундаги масалалар кенг ёритиб берилади. Айрим жўзъий ўзгаришлар киритилганда эса солиқ органлари белгиланган тартибда солиқ тўловчиларни хабардор қиладилар.

Ҳозирда республика бош солиқ қўмитаси солиқлар кодекси устида иш олиб бормоқда, бу кодексда солиқлар ҳақидаги умумий қоидалар билан бирга ҳар бир солиқ ҳақидаги дастуриламалларни киритиш ҳам кўзда тутилади.

Юқорида кўрсатганимиздек, солиқ тизими комплекс тушунчасига солиқларни ундириш ва солиқ ишларини бошқариш масалалари ҳам киради. Солиқ олиш амалиётида солиқ ва ҳисоблашнинг 3 усули мавжуд. Биринчиси, Кадастр усули, иккинчиси солиқ манбаидан даромад ҳосил бўлгунга қадар солиқ олиш, учинчиси манбалардан даромад олингандан кейин солиқ ундириш. Кадастр усулида ҳар бир объектнинг ўзига хос хусусиятлари кўрсатилади. Масалан, ер солигини ҳисоблаш учун ер кадастри тузилиб, шу ерларни қайси зонага киритилиши, ҳар бир зона бўйича солиқ ставкаси, ер участкаларини қайси ҳудудда жойлашиши (шаҳар ва қишлоқ жойларда, суғориладиган ва суғорилмайдиган жойларда) ва бошқа энг муҳим маълумотлар кўрсатилади ва бу асосда солиқ ҳисоблаб чиқилади.

Солиқ тизимининг муҳим йўналишларидан бири солиқларни бошқаришдир. Солиқларни ҳисоблаш, уларни ўз вақтида бюджетга олинишини таъминлашда корхоналар ва солиқ маҳкамалари муҳим роль ўйнамоқдалар. Бу ишга республика бош солиқ қўмитаси раҳбарлик қилмоқда. Қўмитага 220 солиқ инспекциялари итоат қилади. Солиқ инспекциялари ўзларига топширилган вазифаларни ишчанлик билан бажармоқдалар. Солиқ қўмитасига республикадаги божхоналар ҳам итоат қилади. Божхоналар республикамиз ҳудудидан бошқа мамлакатларга чиқарилаётган ва улардан келтириладиган моллар устидан назорат олиб бормоқдалар. Божхона қонунларини бузувчиларга нисбатан зарур чоралар амалга оширилмоқда.

Ҳозир солиқ тизимининг энг муҳим вазифаси ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, моддий, хом ашё, табиий, молиявий ва меҳнат ресурсларидан, тўпланган мол-мулкдан самарали фойдаланишга рағбатлантирувчи таъсир кўрсатишдир. Бу йўналишда муҳим тадбирлардан бири корхоналар зиммасидаги солиқ юкини кескин камайтиришдир. 1996 йил бюджети бўйича фойдадан олинадиган солиқ ва қўшилган қиймат солиқларининг ставкалари камайтирилди. Даромад солигидан, фойдадан ундириладиган солиққа ўтиш ишлаб чиқариш ва тадбиркорлик фаолиятларини кучайтиришга имкониятлар яратмоқда. Корхона ихтиёрида қоладиган фойда миқдорининг ортиб бориши уларни молиявий аҳволини мустаҳкамлабгина қолмасдан, балки уларнинг инвестиция фаолиятини жонлантиришга олиб келади. Бу нарса ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш учун ишлаб чиқариш ва технология жиҳатидан асос бўлиб хизмат қилади. Шу билан бирга ҳозирги босқичда жисмоний шахслардан олинадиган солиқларни такомиллаштиришга ҳам эътибор берилади, солиқ тадбирлари ходимларни ўз меҳнати билан ижтимоий ишлаб чиқаришда фаол қатнашишига рағбатлантириши керак. Ҳозирда республикамиз солиқ кодексини яратиш жараёнида кўрсатилган тадбирларни амалга ошириш йўллари изланиб, республика солиқ тизимини янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Ҳикмат СОБИРОВ,
иқтисод фанлари доктори, профессор.



Янги ўзбек алифбосини ўрганамиз

ИСТИҚБОЛ АЛИФБОСИ

Таниқли педагог-олима Қ. Абдуллаева бошчилигидаги муаллифлар гуруҳи томонидан тайёрланган «Алифбе» дарслиги билан танишар эканман, ўзимни гўё мустақиллик мевасидан бўлмиш «Шодлик мактаби»нинг 1-синфида таҳсил олаётгандек ҳис этдим. Дарҳақиқат, 1996/97 ўқув йилининг 1 Сентябри шу «Алифбе» билан бошланади. Мамлакатимиз мустақиллигига беш йил тўлган ана шу санадан бошлаб нафис ва муъжаз, аммо олмос қиррали ушбу китоб минг-минглаб фарзандларимиз қўлида истиқлол алифбоси янглиг варақланади. Истиқлол алифбоси — истиқлол сабоғи! Китоб лотин ёзуви асосидаги янги ўзбек алифбосида чоп этилган биринчи дарсликдир.

«Шодлик» алифбеси 63 саҳифадан иборат. Лекин унинг мазмун-мундарижаси, педагогик-дидактик безаги, композицияси, сабоқлар талқини, методологияси ва технологияси кенг ва чўнг, бой ва улкан бўлиб, бир сўз билан айтганда, жаҳоншумул дарсликлар даражасидадир.

Камина университетни битиргач, бир неча йил мактабда муаллимлик қилганман: ёшлар тарбияси, жамият маънавияти, халқ таълими тизими, инсон камолоти муаммолари билан узоқ йиллардан бери шуғулланиб келаман. «Алифбе» («Шодлик»)дан маълум бўлдики, ундаги ҳар бир ҳарф, ҳар бир расм, ранг-тус, сўз ва матн миллий ғурурни шакллантиришга, ўзликни танишга, қадр-қиммат, меҳр-оқибатни улуғлашга, ҳалоллик ва покликни тарғиб қилишга йўналтирилган. Шу нарсага амин бўлдимки, «Алифбе»да Ўзбекистон табиати, олтинунар тупроғи, осмонўпар тоғлари, ҳайвонот дунёси, ўсимликлар олами, халқимизнинг тарихий-миллий удумлари, ҳунармандлиги, санъаткорлиги, катта маърифат соҳиби эканлиги... ўз аксини топган. Дарсликдаги ҳар бир сабоқ фарзандларимизни руҳан тетик, ақлан етук, фикран бийрон, жисмонан соғлом бўлишга чорлайди.

Китобнинг 17-саҳифасида берилган учар гиламда учаётган Паризод Ғиркўк отда камон отаётган Алпомишни кўрибоқ ҳурматли Президентимиз Ислом Каримовнинг ёшларимизни халқ оғзаки ижоди руҳида, халқ миллий-афсонавий қаҳрамонлари тимсолида тарбиялаш зарур, деган ўгитлари ёдимга тушди. Дарсликка илова қилинган «Бўғинлар жадвали» ва «Кесма ҳарфлар», айниқса, маъқули-мақбул бўлди. Уларда ўзбек тилининг бойлиги, серқирра жилолари ўз аксини топган.

«Шодлик» алифбе дарслиги машаққатли ва самарали меҳнат маҳсулидир. Шу боис, унинг ҳар бир саҳифасидан истиқлол нури, тарихий-миллийлик, серқуёш ўлкамиз манзараси уфуриб турибди. Энг муҳими — илмий-педагогик фаолиятидаги пўкдомонлик бор. «Шодлик»нинг муаллифлари таркибига қадрият, иззат-ҳурмат, меҳр-оқибат рамзи сифатида устоз педагог О. Шарафиддинов (марҳум)нинг муътабар номлари ҳам қўшилган. Бу билан миллий қадрият яна бир бор улуғланган.

Фақат, кичик бир андишамиз ҳам бор: китоб жуда оз нусхада чоп этилган. Ўйлаймизки, катта ижтимоий сиёсат — ёзув ислоҳоти маҳсули ва мустақиллик меваси ҳисобланмиш бундай китоб учун белгиланган тираж (нусхасининг миқдори) камлик қилади. Чунки ундан фақат 1-синф ўқувчиларигина эмас, кенг халқ оммаси фойдаланади. Зотан, алифбо — маданий-маърифий, ижтимоий-маънавий мерос, халқ бойлиги саналади.

Худойберди ТУХТАБОЕВ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси.

БИЗГА БИРДАМЛИК БЎЛСА БАС...

Республика Таълим марказида «Туркистон - умумий уйимиз» деб номланган навбатдаги халқаро симпозиум ўтказилди. Мазкур анжуманни Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири ўринбосари И. Саиджонов бошқариб борди.

Аслида болажонларнинг ширин табассумлари ҳам, жамики эришажак ютуқларимизнинг гарови ҳам—умуман, ҳамма эзгуликлар, барибир, биринчи навбатда, тинчликка, хотиржамликка, энг асосийси, бирдамликка бориб тақалаверади.

Анжуманда ёзувчи Т. Адашбоев Марказий Осиё халқлари тарихи хусусида фикр юритган бўлса, севимли шоира Т. Содиқова ўзбек диёрида барча миллат вакиллари доимо бир тан, бир жон эканликларини ҳаяжон билан гапирди. Шунингдек, сўз олган бошқа иштирокчилар ҳам Ўзбекистонда истиқомат қилаётган барча миллатлар маданияти, маънавиятининг нақадар муштараклиги, маърифий бирдамлик соҳасидаги ўзгаришлар тўғрисида жуда яхши гапларни айтишди.

Симпозиум қатнашчилари мазкур анжуман материалларини август кенгашларида ўрганиб чиқиш ҳамда РТМ томонидан анжуманда билдирилган фикр-мулоҳазаларни ўқув қўлланмаси сифатида нашр этиб, мактабларга тарқатиш масаласида ўзаро келишиб олишди.

О. ҲАЙИТ.

ЗУЛФИЯ

Ўзбек адабиёти оғир жудоликка учради. Ўзбекистон халқ шоири, атоқли жамоат арбоби Зулфия (Зулфия Исроилова) шу йил 1 август куни 82 ёшида вафот этди.

Зулфия бутун умри давомида фаол ижод қилди. Шеъриятда Шарқнинг буюк фозила аёллари Гулбаданбегим, Зебунисо, Увайсий, Нодирабегим бошлаган анъаналарни давом эттириб, янги поғонага кўтарди. У ўз ижодида аёлларнинг эрк ва саодатини, халқлар ўртасидаги эзгу дўстлик ва биродарликни самимий тараннум этди. Ёруғ ва ёрқин ижоди муҳаббат ва вафо, садоқат ва матонат тимсолига айланди. Унинг ижоди ва ҳаёт йўли мумтоз шоир Ҳамид Олимжон номи билан чамбарчас боғлиқдир.

Атоқли шоиранинг «Ҳаёт варақлари», «Ҳижрон кунларида», «Юрагимга яқин кишилар», «Мушоира», «Соғинч сатрлари» каби тўпламлари ўзбек шеъриятининг олтин ҳазинасидан ўрин олди. Ўттиз йилдан кўпроқ вақт давомида Зулфия ўзбек хотин-қизларининг севимли журнали «Саодат»га раҳбарлик қилди. Баркамол ижоди билан ўзбек шоир ва адибларининг жуда катта авлодини тарбиялаб вояга етказди.

Мамлакатимиз мустақиллиги, истиқлол руҳи Зулфия ижодига янгича оҳанг, фавқулодда жўшқинлик, куч-қувват бахш этди. Бу даврда яратилган шеър ва достонларида ҳур ва озод ватанга чуқур муҳаббат, иймон-эътиқод, меҳр-оқибат ҳисси, бунёдкор халқимиз қудрати ва истиқлолимиз равнақига бўлган қатъий ишонч туйғулари айниқса ёрқин намоён бўлди.

Зулфия шеърияти нафақат ўзбек адабиёти, балки жаҳон адабиётидан ҳам муносиб ўрин эгаллади. Турли тиллардаги энг нодир асарларни моҳирлик билан таржима қилиб, миллий адабиётимизни бойитди.

Зулфия юксак ижоди ва ибратли жамоатчилик фаолияти учун давлат мукофотларига, Жавоҳарлаъл Неру номидаги халқаро мукофотга, Халқаро Нилуфар мукофотига, «Меҳнат қаҳрамони» унвонига сазовор бўлди. Биринчилар қатори мустақил давлатимизнинг «Дўстлик» ордени билан тақдирланди.

Ўзбек адабиётининг ёрқин юлдузи, ардоқли шоира, атоқли жамоат арбоби Зулфия хотираси халқимиз қалбида абадий яшайди.

И. КАРИМОВ, Э. ХАЛИЛОВ, Ў. СУЛТОНОВ, И. ЖУРАБЕКОВ, Т. АЛИМОВ, Х. ЖУРАЕВ, А. ҚОСИМОВ, С. САИДҚОСИМОВ, Д. ҒУЛОМОВА, З. МУҲАММАДЖОНОВ, Ҳ. НОСИРОВА, А. ОРИПОВ, О. ЁҚУБОВ, Т. ҚАИПБЕРГАНОВ.

Франимиз фидойилари

ТАРИХИМИЗНИНГ ТОЛМАС ТАДҚИҚОТЧИСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов: «...Ўтмиш аждодларимизнинг маданий ва маънавий бойлигини чуқур ва ҳар томонлама ўрганишимиз даркор... Буюк аждодларимиз бўлмиш мутафаккирлар, олимлар, ғўзаллик ижодкорларининг биз учун янги бўлган номлари ва асарларини миллий маънавиятимиз хазинасига қайтариш муқаддас вазифамиз», — деган эди.

Шу нуқтаи назардан қараганда, таниқли олим ва журналист Ҳайдарали Узоқовнинг яқинда Ўзбекистон Республикаси тарих институти қошидаги Ватан тарихи ихтисоси бўйича тарих фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёқлаган «Ўзбекистонда мустақиллик учун кураш тарихи. 1900—1940 йиллар (журналистлар фаолияти мисолида)» номли докторлик диссертацияси муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки, Ўзбекистон журналистлари, публицистлари ўлканинг мустақиллиги учун курашда, халқимизнинг миллий ўзлигини англаш ва ижтимоий-сиёсий онгини шакллантиришда айни шу йилларда катта жасорат кўрсаттан эдилар. Лекин шунга қарамасдан Туркистон журналистларининг ўлкамиз тарихида истиқлол учун курашлари ва қатағон йилларидаги фожиали қисматлари шу вақттача тоталитар тузумнинг ғоявий-сиёсий таъқиби ва таъсири остида атрофлича ўрганилмаган эди. Бунга фақат Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейингина имконият очилди. Олим Ҳайдарали Узоқов истиқлолимизнинг биринчи кунларидан бошлабоқ, мустақиллик имкониятларидан фойдаланиб, 1900—1940 йилларда Ўзбекистон журналистлари фаолиятларини изчил ўрганишга киришди ва бир неча йил давомида (1900—1995 йиллар) республикамизнинг турли кутубхона ва архив фондлари, 20-30-йилларда ижод этган журналистларнинг матбуотда босилган асарлари, улар ҳақидаги илмий мақолалар ва хотираларни тинимсиз излаш ва ўрганиш асосида иш олиб борди. Тадқиқотчи мисқоллаб йиққан қўплаб нодир ва ранг-баранг материалларини Ўзбекистоннинг янги миллий истиқлол мафкураси нуқтаи назаридан таҳлил этиб, 1900—1940 йилларда фаолият кўрсаттан жумҳуриятимиз журналистларининг тарихий хизматларини атрофлича ва кенг тизимда ёритишга муваффақ бўлди.

Яқинда у шу асосда академик Аҳмадали Асқаров раислигида тарих институти қошидаги — Ватан тарихи ихтисоси бўйича бўлиб ўтган ҳимоя кенгашида олим мазкур мавзуда докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Ҳимоя вақтида диссертация юзасидан сўзга чиққан расмий оппонентлар, тарих фанлари докторлари ва профессорлари Рустам Шамсутдинов, Ҳамид Зиёев, Собит Содиқов, расмий бўлмаган оппонентлар — профессорлар Отақузи Азизов, Исломжон Турсунов, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Иброҳим Раҳим, профессорлар: Р. Нуруллин, К. Оқилов ва бошқаларнинг фикрларига қараганда, тадқиқотчи олим Ҳайдарали Узоқов мазкур илмий тадқиқотида жуда кўп аниқ тарихий ҳужжат ва ишонарли манбаларни ўрганиш асосида халқ орасида фикр тарқатувчи турли-туман нашри афкорлар ва журналистларнинг ўлкамиз озодлиги ва мустақиллиги йўлидаги жонбозликлари, бу йўлда кечирган турли хил қийинчилик ва фожиалари, босиб ўтган мураккаб тарихий босқич ва йўналишларини илмий холислик билан ёритиб берилган. Тадқиқотчи XX аср бошларидан тортиб, то 1940 йилларгача бўлган Ўзбекистон журналистларининг қатағон йилларида тарихимиздан ўчиб кеттан қўпларини излаб топган ва уларнинг тарих саҳифаларидаги қонуний ўрнини биринчи бор қайта тиклаган. Узигача бўлган даврда журналистикамиз тарихига доир қалам тебраттан Зиё Саид, Тўғон Эрназаров, Тоҳир Пидаев ва бошқаларнинг хизматлари ҳам олим томонидан холис баҳоланиб, ўзининг тадқиқотини манба ва мазмун жиҳатдан улардан тамомила фарқ қилувчи янгиликларини ҳам исботлаб бера олган. Жумладан, диссертациянинг расмий оппонентларидан бири, тарихшунос олим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Ҳамид Зиёев тадқиқотнинг мазмун ва материал жиҳатдан янгилиги, аҳамияти ва натижалари ҳақида тўхтаб шундай деди: «Бунинг диққатга сазовор томони шундаки, унда адолатсизлик ва зўравонликларга, қонҳўрликларга ва қирғин-баротликларга, доду фарёдларга тўлиб-тошган давр тарихининг катта қисми ўзининг ҳақиқий манзарасини топган... Ишнинг қиммати ва аҳамияти қуйидагилардан иборат:

Биринчидан: иш манбаларининг деярли ҳаммаси илк маротаба илмга жо қилиниб, ўзларининг ниҳоятда нодирлиги ва хилма-хиллиги билан диққатни жалб этади. Улар матбуот ва суд жараёнлари, тергов ҳолатлари маълумотларини ўз ичига олиб, ҳақиқий аҳволни кўрсатишда муҳим ўрин эгаллайди.

Яна шуниси мақтовга сазоворки, муаллиф манбаларни хотира маълумотлар билан биргаликда умумлаштириб, тегишли хулосаларни чиқарган. Ҳеч кимга сир эмаски, миллий озодлик ғоялари ва мустақиллик учун курашларнинг жарчиси ҳамиша зиёлиларнинг илғор вакиллари ҳисобланган. Кўрилаётган даврда эса деярли журналистлар жамият ҳаётида салмоқли ўрин эгаллаб, маънавий ва сиёсий ҳаётнинг йўналтирувчи кучи ҳисобланганлар...

Кўрилаётган ишнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Чунончи, унда миллий озодлик ғоялари ва умуман жадидчилик ҳаракатининг моҳияти ва йўналиши баён этилиши билан бир қаторда ҳар бир таниқли у ёки бу журналистнинг биографияси, жўшқин фаолияти ва ҳаётий тақдири жуда усталик билан таъсирли қилиб ёритилган. Уларга бағишланган саҳифалар ҳаяжонларсиз ва қизиқишларсиз ўқилмайди. Улар ўта таъсирли лавҳалардан иборат. Буларда журналистик тил — услубият устун. Масалан, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Фитрат, Ашурали Зоҳирий, Лутфулла Олимий ҳақидаги маълумотлар шулар жумласидандир.

Диссертант ўз тадқиқотида ўнлаб истиқлолчи журналистларнинг бизга номаълум бўлган номларини ва сонини аниқлаб, бу муҳим масалага ойдинлик киритган.

Ишнинг якунловчи — «Шуроларнинг аёл журналистларни қатағон қилиши» қисми ҳам унинг ижобий томонларидан биридир. Бу ерда Тожихон Шодиева, Собира Ҳолдорова, Хосият Тиллахонова ва бошқа жасоратли ўзбек журналист аёлларининг фаолияти ва ҳибсга олинишларига доир масалалар далилий материаллар асосида атрофлича ёритилган. Иш мустақиллик ва озодлик ҳамда биз яшаётган замоннинг руҳида тайёрланган илмий тадқиқот маҳсулидир. Бир сўз билан айтганда, ушбу диссертацион иш Туркистонда асримизнинг бошларидан то 1940 йилгача бўлган давр ичида мустақиллик учун кураш олиб борган журналистларнинг руҳий оламини лунда ёритувчи оригинал тадқиқот сифатида алоҳида қимматга молиқдир».

Диссертация юзасидан сўзга чиққан норасмий оппонентлар — академик Отақузи Азизов, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Иброҳим Раҳим ва бошқалар ишнинг фақат илмий-тарихий жиҳатдангина эмас, маънавий-тарбиявий жиҳатдан ҳам аҳамиятлилигини таъкидладилар. Шуни ҳисобга олиб ишни олий ўқув юртлари тарихчи ва филологлари, журналистлари учун дарслик ва қўлланма сифатида алоҳида китоб ҳолида нашр қилиш кераклигини айтдилар.

Жумладан, Ўзбекистон халқ ёзувчиси, таниқли публицист Иброҳим Раҳим шу ҳақда тўхтаб, бундай фикрларни айтди: «Ҳайдарали Узоқов КГБ архив материалларидан 51 «иш»ни, 100 га яқин «дело»ни ўқиб, ўрганиб, илмий хулосалар чиқариб, қарийб қирқ йил ичида халқимизнинг чеккан азоблари, қатағон журналистларининг фожиали қисматларини биринчи бор тиклаб, халқимизга ошкор қилди. Бу жасорат, ватанпарварлик ва фидойиликдир. Уйлайманки, Ҳайдаралининг ушбу тадқиқоти ўзбек миллий журналистикаси учун фақат янгилик ва бебаҳо ишдир. Ишни олий ўқув юртлари журналистлари ва тарихчилари, қолаверса, филологлари учун дарслик сифатида чоп этиш зарур. Буни кенгаш аъзоларидан сўрайман».

Олим Ҳайдарали Узоқов мазкур докторлик диссертацияси юзасидан 20-30-йилларда Ўзбекистон матбуотида фаол иштирок этиб, кейинчалик қатағонлик йилларининг қурбонлари бўлган 60 дан ортиқ қаламкашларнинг ҳужжат асров материаллари, жонли гувоҳларнинг маълумотларини батафсил ўрганиш асосида уч жилдлик асар яратган. Ҳозир унинг мазкур татқиқотининг бири «Қалблар нидоси» номи билан 15 босма тобоқда нашр этилмоқда. Унда мазкур даврдаги илғор ўзбек журналист, педагогларининг таржимаи ҳоллари ва ижтимоий ҳам публицистик фаолиятлари билан бирга уларнинг муҳим асарларидан айрим намуналар ҳам берилган уларнинг қўплаб нодир расм ва ҳужжатлари эълон қилинган. Мазкур уч жилдликнинг иккинчи жилди ҳам «Қалблар нидоси» билан яқин келажакда нашр этилади. Унда ҳам 20 дан ортиқ журналистларимизнинг 20-30-йиллардаги фаолиятлари ва кейинги фожиали тақдирлари батафсил берилган. Бу ишларнинг майдонга келиши ва тайёрланиши олим ишлаб турган Тошкент Кимё технологияси институти тарих ва ижтимоий-сиёсий фанлар кафедрасида бажарилиб, ниҳоясига етказилган. Ва шу институт ҳам кафедра раҳбарлари, ходимларининг ғамхўрлиги ишнинг муваффақиятли якунланишида муҳим роль ўйнаган.

Ҳайдарали Узоқов албатта бу илмий натижаларга бирданига эришгани йўқ. Унинг таржимаи ҳоли ва илмий фаолияти билан танишганингизда бунга тўла қаноат ҳосил қиласиз. Унинг мазкур мавзуида докторлик диссертацияси ёзишга киришгунга қадар ҳам олимлик ва публицистик фаолияти тўла шаклланган эди. Жумладан, Ўрта Осиё Давлат университети филология факультетини тугаттач, «Ўқитувчилар газетаси»да адабий ходим, сўнг Ўзбекистон Фанлар академияси тил ва адабиёт институтида (1960-1967), Фарғона педагогика институти (1967—1975), Тошкент театр ва рассомлик институти (1976—1986) ларида илмий ходим ва доцент вазифаларида ишлади. 1966 йилда академик В. В. Решетов раҳбарлигида номзодлик диссертациясини ёқлади. Машҳур олимларимиз В. В. Решетов, Ҳ. Ёқубов, А. Гулом, С. Долимов, А. Рустамов ва бошқалардан сабоқ олиб, мазкур йиллларда «Топонимларга саёҳат (1967), «Жой номлари сўзлаганда» (1969), «Тўрт сўз тарихи» (1971), «Ўзбек тилшунослиги тараққиёт босқичлари» (1972), «Нутқ маданияти — фикр маданияти» (1982), «Актёр сўзи ва логик урғу» (1983) каби илмий мақолалар, «Ўзбек тилшунослари» (1965), «Ўзбек халқ шевалари луғати» (1971, ҳамкор), «Ширин сўз — жон озиғи» (1987) каби қўплаб илмий китобларини ҳам нашр эттирган эди.

Илмий кенгаш аъзолари таниқли олим Ҳайдарали Узоқовнинг мазкур кўп йиллик илмий-педагогик ва публицистик фаолияти ҳамда докторлик диссертацияси юзасидан билдирилган расмий ва норасмий оппонентларнинг фикрларига асосланиб, унга бир овоздан тарих фанлари доктори илмий даражасини беришга қарор қилдилар.

Биз ўз навбатида фидойи тадқиқотчи олим дўстимиз Ҳайдарали Узоқовнинг мазкур илмий муваффақиятини чин қалбдан табриклаш билан бирга, унинг бу ҳайрли ишларини республикамиз мустақилликка эришган қунининг беш йиллиги байрамига муносиб совғадир деб ҳисоблаймиз. Ва бу соҳада унинг бундан кейинги илмий-педагогик ишлари ва тадқиқот ишларида янгидан-янги омад тилаб қоламиз.

Шерали ТУРДИЕВ.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги адабиёт институти катта илмий ходими.

Диссертант ўз тадқиқотини фақат ҳужжатасров материаллари асосида эмас, шунингдек қатағон бўлганларнинг фарзандлари, қариндош-уруғлари билан суҳбатлашиш йўли билан ҳам олиб борди.

СУРАТДА: Фарғона пединститутининг тамал тошини қўйганлардан бири Абдурахмон Ғойибийнинг икки қизи ва набиралари.

Утирганлар (чапдан): 1. Ёркиной опа, 2. Эркиной Ғойибова, Ҳ. Узоқов. Тик турганлар: Абдуҳамид, Аваз, Абдуазим, Саёра.

ИСТИҚЛОЛ ИҚБОЛ КЕЛТИРУР...

(Давоми. Боши 1-бетда).

гида Ҳамза номли мактаб учун 844 ўринли, «Ғалаба» жамоа хўжалигида Х. Яхшимуродов номли мактаб учун 320 ўринли, «Ўзбекистон» жамоа хўжалигида Ҳ. Олимжон номли мактаб учун 320 ўринли янги бинолар қад ростлаяпти.

Шуни айтиш керакки, ҳозир туманимиздаги мактаб ўқувчиларининг 92 фоизи бир сменада ўқиш имкониятига эга. Тилга олинган янги мактаб биноларининг қурилиши ниҳоясига етса, ўқишлар фақат бир сменада олиб борилиши шак-шубҳасиздир.

Ўтган ўқув йилида туманимиз мактабларининг 7 нафар ўқувчиси турли фанлардан вилоят олимпиадасида фахрли ўринларни эгаллади, 2 нафари эса республика олимпиадаси ғолиби бўлди.

«Соғлом авлод учун» ҳукумат дастурини амалга оширишда жисмоний тарбия ва спортнинг аҳамияти беқиёсдир. Шу туфайли ҳам бу соҳага ҳукуматимиз томонидан катта эътибор берилаётгани маълум.

Туманимизда жисмоний тарбияни яхшилашга, спортни ривожлантиришга алоҳида гамхўрлик билан ёндашилмоқда. 2 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ишлаб турибди. 1- спорт мактаби ўқувчиларининг ютуқлари, айниқса таҳсинга сазовардир.

Алибой Қувоқов директорлик қилаётган ушбу спорт мактабидан 20 нафардан ортиқ миллий кураш ва самбо бўйича вилоят чемпиони, 2 нафар республика совриндори, 3 нафар республика чемпионлари етишиб чиққан.

1995-1996 ўқув йилидан бошлаб 2 та мактабда футболни чуқур ўргатадиган махсус синфлар ташкил қилинди. Стадион ва спортнинг моддий базасини яхшилаш соҳасида бирмунча ишлар бажариляпти.

Ҳозирги кунда мавжуд 32 спорт залининг барчасида теннис столлари ташкил этилди. Барча мактаб спорт майдончаларида теннис кортлари қурилди. Ўқитувчи ва ўқувчиларнинг теннисга, футболга ва бошқа спорт турларига қизиқиши тобора кучайиб бораяпти.

Бозор иқтисоди шароитида мактабларда кичик бизнесни ривожлантиришга ҳам эътибор берилмоқда.

Туман ҳокимининг қарори билан жами 46 та мактаб қошида кичик корхоналар очилди. Масалан, И. Дустов номли мактабда (директори Содиқ Солаев) керамика цехи ишлаб турибди. Ишланган сопол буюмлар аҳолига арзон баҳода сотилмоқда. Шунингдек, бу мактабда иссиқхона ҳам яхши фаолият кўрсатаётир. Мактаб ўз-ўзини маблағ ҳисобига таъминлаш билан бирга кам даромадли оила болаларига моддий ёрдам кўрсатаяпти. Бу борада Бобур номли мактаб (директори Эркин Рўзметов) фаолияти, айниқса, ибратлидир. Мактабнинг «Ўқувчи» деб номланган кичик корхонаси қошида сураткашлик, этикдўзлик, сартарошлик, рассомчилик, дурадгорлик, тикувчилик, тўқувчилик, пазандалик, гулчилик каби цех ва тўгараклар мавжуд. Ўқувчилар ўзлари танлаган ҳунар бўйича назарий, амалий билим ва кўникмаларга эга бўлишяпти. Албатта, ўзимизга яраша муаммоларимиз ҳам йўқ эмас. Уларни ўз вақтида бартараф этиш чора-тадбирларини кўраяпмиз. Изчил ҳаракат туфайли туман мактаблари янги ўқув йилига барвақт тахт қилиб қўйилди. Эндиги вазифа—таълим ва тарбиянинг узвийлигини таъминлаган ҳолда ёш авлод камолоти йўлида ҳамиша фидойилик, ташаббускорлик ва изланувчанлик кўрсатиб ишлашдан иборат.

Суҳбатни ўз мухбиримиз Ғойиб ЁҚУБОВ ёзиб олди.

ЭШКАКЧИГА ЭШ БЎЛИНГ

Эшкакни билагида кучи бор, мардлар эшади-да! Шунинг учун бунақа «ажабтовур пойга»ларни томоша қилганда сира ҳайрон бўлмаган маъқул. Мана, Атлантага Ўзбекистондан ташриф буюрган қатнашчиларимиз ҳам эшкакларини шунчаки ҳавас учун сувга «ботир»ганлари йўқ. Каноэчи Н. Астанин 1000 метр масофада ярим финалга йўлланма олган бўлса, эгизак спортчиларимиз Владимир ва Сергей Шоисломовлар жуфтлик (1000 м)да навбатдаги босқичга чиқишди.

Байдаркачиларнинг чорак финалида яхши ўйин кўрсатган И. Лялина — И. Исакова — Е. Лебедова — Т. Левина (500 м), В. Казанцев — А. Шилин — К. Яшин — А. Тюрин (1000 м) тўртликлари ҳам медаллар учун курашишади.

АЁЛ БЎЛИШ ОСОНМИДИ...

Чунки ёруғ дунёнинг энг оғир юки ана ушаларнинг гарданида. Рўзғорга улгуриш, шошилинч ташвишлар, бу ҳам етмагандек, кимларгадир ёқа билиш... Эҳ-ҳе! Айтишга осон. Аммо айни кунда аёлларимиз ҳам шунчаки оила даврасида чегараланиб қолмаётган экан.

Атланта ўйинларида муваффақиятли иштирок этаётган узбекистонлик вакилимиз Оксана Чусовитина спорт гимнастикаси бўйича ҳар ҳолда кўпчиликдан анча илгарилаб кетиб, Узбекистон аёлларининг ким эканлигини «кўрсатди». Ғолибликка кўпроқ даъвогар бўлаётган Америка, Украина спортчи қизлари гарчи бир оз устунликка эришган бўлсалар-да, Оксана ҳам бор имкониятни ишга солиб, дунёнинг ана шундай кучли спортчилари орасида 10-ўринни эгаллади.

Олимжон ҲАЙИТ.

Хулласа...

ЎЙИНДАН ЎҚ ЧИҚДИ

Қозоғистоннинг Оқтоғ шаҳридаги кўп қаватли бинолардан бирининг тўртинчи қавати балконида саккиз ёшли Асем ва тўққиз ёшли Алия ўйнаб ўтиришар эди. Бир маҳал улар қўлидаги салмоқлигина тош пастга тушиб кетди ва ҳовлида ўйнаб юрган олти ёшли Дониёрнинг бошига зарб билан урилди. Гарчи Дониёрни тезликда касалхонага етказишган бўлса-да, афсуски ҳаётини сақлаб қолишнинг иложи бўлмади.

ТЕМИР-ТЕРСАК ВА ТЕМИР-ТЕРСАК

Қуйбишев темир йўли участкасида бир неча соат поездлар қатнови тўхтатилди. Сабаби, йўл кўрсатувчи бир нечта мис кўрсаткичлар йўқолиб қолган.

Синчиклаб тафтишдан ўтказиш натижасида аниқландики, уларнинг маълум қисмини Уфа шаҳри мактабларидан бирининг ўқувчилари темир-терсакка топшириб юборишган. Қолганлари эса изсиз йўқолган. Рангли металлар устидан назоратнинг сустлиги шундай оқибатларга олиб келяпти. Айниқса, бу ҳоллардан электр узатгич тармоқлари электро-транспорт, алоқа тармоқлари кўп зарар кўрмоқда. Қонун эса булар учун жаримадан нарига ўтмайди.

АФРИКАГА ҚИШ КЕЛДИ

Жанубий Африкага қиш келди. Ҳақиқий қори ва совуғи билан. Мамлакатнинг бутун марказий қисми қалин қор билан қопланди. Кимберли шаҳрида кундузи етти даражагача совуқ бўлди. Болалар маза қилиб қорбурон ўйнашди. Айниқса, йоханнесбурглик таннозларга худо берди. Мўйнали шубаларда ўзларини кўз-кўз қилишдан ҳўп завқ олишяпти. Қийин-қийин уй-жойсизларга бўлди. Бундайлар эса Африкада сон-саноқсиз.

МАДАНИЯТЛИЛИК ҚАНДАЙ ЯХШИ

Одамзот ўз маданияти билан ҳам Заминдаги бошқа ҳилқатлардан ажралиб туради. Жумладан, қурт-қумурсқалардан ҳам. Масалан, бу жониворлар овқатни чапиллатиб ейиш маданиятсизлик белгиси эканлигини тушунишганда эди, умрлари чандон узун бўларми?..

Американинг Флорида штати биологлари бир асбоб яратишди. Худди врачларнинг ўпкани эшитадиган матоҳига ўхшаш. Шу орқали мева текширилади. Агар унга қурт тушган бўлса, шувур дарров қулоққа етади. Чапиллатмай ейишни эса қуртлар, афсуски, эплаша олмайди. Чунки, улар маданиятсиз-да!

ана шунақа гаплар.

«Олтин мерос» танловига

Фольклор — халқ оғзаки ижоди — эл адабиёти бамисли чашма, оқар дарё. Она-замин саховати бор экан, булоқ тиниб қолмайди, дарё оқишдан тўхтамайди. Баъзилар халқ оғзаки ижоди тугаган жараён, истиқболсиз ҳолат дея янглишадилар. Тўғри, илм-техника мислсиз даражада ривожланган, видео-аудио соҳасида янгиликлар пайдо бўлаётган пайтда бир гуруҳ одамларнинг бахшининг атрофини қуршаб достон эшитишини тасаввур этиш ёҳуд бир неча кеча-кундуз давомида достон айтган бахшини мадҳ этиш соғлом мантиққа сиғмайди. Лекин эл адабиёти янги шаклларда, янги кўринишларда давом этяпти. Латифа, топишмоқ фольклор жанри. Улар ҳозирги кунда роса тараққий этган. Эл адабиётининг яна бир хусусияти бор. Халқ тақдирида из қолдирган, унинг руҳиятига таъсир этган воқеа-ҳодиса зинҳор-базинҳор оғзаки ижодни четлаб ўтмайди. «Ўзбеклар иши» номли машъум ҳодиса, «гидлянчи»лик ўзбекни зир қақшатган воқеалардан бири бўлди. Бу қора иш ҳақида ҳали кўплаб асарлар яратилади.

Ҳукмингизга «Ўзбеклар иши» машъум ҳодисаси ҳақидаги эл ижоди — кичик достонни ҳавола этамиз:

«ЎЗБЕКЛАР ИШИ»

Тингла, болам, момангни
Чақираман ҳаммангни,
Бас қил энди сан-манни,
Оғир кунлар бошингда.

Совуқ ўлка юртидан,
Ўрмонларнинг ортидан,
Ёмон ният қасдидан,
Бир бало келган эмиш,

Гидлян эмиш оти.
Қўлида парт билоти.
Ҳам Кремль суроти,
Қамоқни бошлар эмиш.

Бошлар эмиш қамоқни,
Савол-жавоб, қийноқни,
Мардни банди қилмоқни,
Ҳаммани қийнар эмиш,

Ёрдамчиси Иваноп,
Битта эмас жуда кўп,
Гала-гала талатўп:
Ҳар куни айнар эмиш.

Бизни қулсан деганлар,
Биздан кўп-кўп еганлар,
Яна бергин деганлар,
Ҳовучин очган эмиш.

Отасин қамоқ қилиб,
Боласидин пул олиб,
Жамлаб яшиққа солиб,
Йироққа жўнатармиш,

Ҳовучин очиб кезди,
Ғазабин сочиб кезди.
Кафанлар бичиб кезди,
Кўзингни оч, жон болам.

Пул сўрар, пахта сўрар,
Мис сўрар, тилло сўрар.
Йўқ десанг, чандон урар,
Ўрдирмагин, жон болам.

Нафси жуда ёмонмиш,
Қачон тўяр гумонмиш.
Ранги совуқ, сомонмиш,
Хушёр тургин, жон болам.

Лабин ялаб, Ғайданип,
Талаш учун шайланиб,
Чор-атрофни айланиб,
Танкадек босиб кепти.

Аёлдан тақинчоқни,
Қизчадан ҳалинчакни,
Боладан ўйинчоқни,
Йўқ деса, осиб кепти.

Сандиқларни кавлашиб,
Кўп оларга довлашиб,
Йўқ деганга ёвлашиб,
Тулкидек пусиб кепти.

Сандиқларни кавлашди,
Виговорлар улашди,
Одамларни қамашди,
Қамашга шайланиб кепти.

Қамалди меҳнат аҳли,
Умару Султонали,
Ҳар оила азали,
Жаллодга айланиб кепти.

Рост гапни ёлғон деди,
Сеники кўп еган деди,
Менга кам қолган деди,
Ҳаннотга айланиб кепти,

Сотқинлар ҳам бор экан,
Гидлянга ёр экан,
Не деса тайёр экан,
Сотқинларни ур, болам.

Ҳой болам, уйғоқмисан,
Мардмисан, майдонмисан,
Шермисан, тайлоқмисан,
Кўзингни оч, тур энди.

Ерингни бердинг бир гал,
Элингни бердинг бир гал,
Тилингни бердинг бир гал,
Бас болам, етар энди.

Алпомиш аловдисан,
Гўрўғли зуриёдисан,
Асли ёвни додисан,
Бошингни кўтар энди.

Мардлар боши бирлашиб,
Бирлашиб ҳай-ҳайлашиб,
Очопатни қувлашиб,
Бир байрам қилгин энди.

Ушбу термани 1990 йилда Фарғона вилоятининг Катта тагоб қишлоғида яшовчи Донобиби Абдуқодир қизидан Т. Худойбердиев ёзиб олган.

Олтин ёз-ўтмоқда соз!



БОЛАЛАР ҚУВОНЧИ ЧЕКСИЗ

Бугун болажонлар ёзги таътил кунларини оромгоҳларда маза қилиб дам олиб ўтказишмоқда. Шундай масканлардан бири Термиз шаҳри пахта тозалаш заводига қарашли «Пахтаой» болалар оромгоҳидир. Куни кеча «Пахтаой» ўз қучоғига 2-гуруҳ болаларни қабул қилди.

Маданият муассасалари болажонларнинг ёзги таътил кунлари мазмунли ва эсда қоларли ўтиши учун, уларга маданий хизмат кўрсатмоқда. Жумладан, Ғ. Ғулом номидаги вилоят болалар кутубхонаси ҳамда вилоят ўлкашунослик музейи ушбу болалар оромгоҳида ўз тадбирларини ўтказишди. Кутубхона томонидан Узбекистон Республикаси мустақиллигининг беш йиллигига бағишлаб тайёрланган «Ўзбекистон — Ватаним маним» номли китоб кўргазмаси, вилоят ўлкашунослик музейи томонидан эса ўлкамиз тарихи, ҳайвонот дунёси акс эттирилган кўргазмалар намойиш этилди.

Болаларнинг маданият ходимлари билан давра суҳбатлари ҳам мароқли ўтди.

Мухтасар КАРИМОВА.

ЮЛДУЗЛАР ЁҒДУСИ

(Қатралар)

Насриддин Исмоилов 1948 йил Денов шаҳрида туғилган. 1980 йилдан бери шаҳардаги 5-ўрта мактабда тарих фанидан сабоқ бериб келади. 1994 йилда ўтказилган республика ижодкор ўқитувчиларининг семинар-кенгаши ғолиби. Шу кунгача «Ватан рамзи», «Қаҳрамонлар мангу яшайди», «Умр дафтари», «Ҳовучимдаги хазина», «Денов таронаси», «Жасорат рамзи», «Юлдузлар ёғдуси» каби китоблари чоп этилган ва рус, тожик тилларига таржима қилинган. Дарвоқе, «Юлдузлар ёғдуси» номли охирги китоби ҳам кирилл, ҳам лотин алифбосида берилган. Қуйида муаллиф ижодидан айрим сатрларни азиз муштарийлар ҳукмига ҳавола этяпмиз.

Ҳар дилга кирмадим деб асло чекма ғам,
Сирли одамлар билан сирлидир олам.

x x x

Келажакка интилиш бўлмаса гар ғояси —
Ул инсон умр деган дарахтнинг бир сояси.

x x x

Отлиқлар кирса жангга пиёданинг ҳоли вой,
Аёллар кирса жангга эркаклар тепади лой.

x x x

Ҳақиқатни атайин тан олмаслик — ожизлик.

x x x

Қарғадан юз минг кун кам яшайман дея ҳасрат чекма, инсон,
Капалакдан йигирма беш минг кун ортиқ яшайсан.

x x x

Ҳафсаласизлик:
Тоғ келмади Сулаймоннинг олдига,
Дўлана егиси бор эди Сулаймоннинг.

x x x

Ширинликка бунча ўч одам,
Миш-мишни ҳам кишмиш деб ўйлар.

Насриддин ИСМОИЛОВ.

ҲУНАРНИ АСРАБОН...

Маорифимиз фидойилари

Жомбой туманидаги 18-мактабда ўқитувчи Тоҳиржон Турсуновни ҳунаридан зар сочган инсон дейишади. Унинг болаларга меҳнат таълимидан дарс бераётганлигига ҳам 25 йилдан ошибди.

— Мен, — дейди Тоҳиржон ака, — бир ақидага ҳамиша амал қилиб келаман, у ҳам булса, қўлида ҳунари бор одам бировга хор-зор бўлмайди. Бу фикрнинг нақадар тўғри эканлигини ҳаётимда бир неча бор синаб кўрганман. Шу сабабли бўлса керак, ҳунар ўргатишга, урганишга меҳр қўйдим. Ўқувчиларим кўзим олдида оддий нарсалардан мўъжизалар яратсалар суюнаман. Олий маълумотни узбек тили ва адабиёти мутахассислиги бўйича эгаллаган бўлсам ҳам, ҳунарга бўлган қизиқишим устун чиқди. Бундай олиб қараганда ҳунар ҳам адабиёт сингари санъатнинг бир тури бўлиб гўзаллик яратишда ҳамоҳангдир. Адабиёт сўздан санъат-мўъжиза яратса, ҳунар амалда гўзаллик яратади. Ута санъаткорлик билан яратилган нақшлар, ганжкорлик, ўймакорлик, заргарлик асарлари кимга завқ бермайди, дейсиз.

Дарҳақиқат, биз Тоҳиржон аканинг фикрларига қўшилган ҳолда у амалга ошираётган ишлар билан қизиқдик. Меҳнат таълими дарслари учун ўқув дастури хилма-хил ҳунарларни ўргатишга мослаб тузилган. Унда асосан дурадгорлик, чилангарлик, ўймакорлик, электротехник, халқ ҳунармандчилиги акс этган экан. Айниқса, халқ ҳунармандчилигига оид ясалган буюмлардан—мусиқа асбобларидан тор, пичоқчилик, уй-рўзғор буюмларидан сабзи, тахта, тахта-ўқлов, нонпар, кийим илгичлар, зиравор солинадиган турли ёғоч идишчалар, ўймакор курси, курсичалар бу буюмларни ясашга ўқувчиларнинг қўли келиб қолганлигини кўрсатади.

— Ҳеч кимга сир эмас, — дейди Тоҳиржон ака, — ўзбек халқи, ота-боболаримиз азал-азалдан ҳунарманд бўлишган. Айрим шаҳарларда махсус ҳунармандлар маҳалласи, расталари мавжуд бўлган. Ҳар бир ҳунарманд ўз касбини авлодларига мерос қилиб қолдириб келган. Кейинги йилларда бу анъана унутилаёзди. Энди бу анъанани йўлга қўйиш даври келди. Ахир уста ҳунармандлар яратган ноёб санъат асарлари орадан неча юз йиллар ўтса ҳам ўз кўрки-тароватини намойиш қилиб турибди. Айниқса, қадимий шаҳримиз Самарқанд заминида яратилган осори атиқалар етти иқлимга машҳурдир. Музейларга бориб, миллий ҳунармандчиликка оид буюмларни кўриб, нечоғлик бой миллий маданиятга эга эканлигимиздан ҳайратга тушади киши...

Ҳунар ўргатувчи бу устоз билан бўлган мулоқотдан сўнг ҳозирги бозор иқтисоди шароитида ўқувчиларнинг меҳнатга бўлган иштиёқини шакллантириш, касб-ҳунарга бўлган қизиқишларини кучайтириш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири эканлигини янада чуқурроқ ҳис қилдик. Тоҳиржон аканинг келажакда амалга ошириш учун мўлжаллаб қўйган хайрли режалари кўп экан. Табиийки, бу режалар асосан битта мақсадга йўналтирилган бўлиб, бу ўзи билан касб-ҳунарларини ўқувчиларига ўргатишдан иборатдир. Бунинг учун устоз мактабда меҳнат дарсларининг самарадорлигини кўтариш имкониятларини қидираётир. Бу нарса ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари, қизиқиш ва истеъдодларини ҳисобга олган ҳолда касб-ҳунар турларини танлаш имкониятини беради. Шунингдек, синфдан ташқари турли хил ҳунар тўгаракларини ташкил этиш ва жонлантириш ҳақида ҳам ўйлаб кўрмоқда. Бу тўгаракларда чиқит маҳсулотлардан металл, ёғоч парчаларидан турли хил уй-рўзғор буюмлари — пичоқ, ўқлов, сабзавот тўғрайдиган тахтачалар, зиравор солинадиган идишлар ясашни, имкон топилса дераза ромлари, эшик, турли кичик шкафлар тайёрлашни ҳам режалаштириб қўйган. Билим маскани қошига қўшилганлигини, имкон қадар шароитлар яратиб бераётганини билдирди.

Дарҳақиқат, ўсмир ёшларимиз мактабдан ташқари бўш вақтларида беҳуда кўча чангитиб юришлари ҳеч кимга сир эмас. Бунинг ўрнига турли касбу-ҳунар соҳибларига шогирд тушиб иш ўргансалар, ўз оиласига ҳам имкон қадар иқтисодий кўмак берган бўладилар. Келажакда эса қайси касбни эгаллашларидан қатъи назар ҳаётларида асқотади. Энг муҳими, меҳнат билан машғуллик, уларни ножўя хатти-ҳаракатлардан асраб қолади.

Аммо, айрим ҳолларда баъзи ота-оналар болаларининг касб-ҳунар ўрганишларига кўпдан эътибор бермайдилар ёки уларнинг назарида, ҳунарга қизиққан болалари бир умрга оддий ишчи, оддий дурадгор бўлиб қолишларидан чўчийдилар. Шунинг учун бўлса керак, меҳнат таълими ўқитувчилари билан ота-оналар ҳамкорлиги яхши йўлга қўйилмаган. Мазкур ҳамкорликни мустаҳкамлаш чора-тадбирларини ахтариш лозим. Бунинг учун Тоҳиржон Турсунов сингари жонкуяр ўқитувчиларнинг мақсад ва интилишларини қўллаб-қувватлаш зарур.

Зубайда УСМОНОВА.

Тошкент давлат шарқшунослик институти ректорати ва жамоаси институт «Минтақа тил ўқитиш маркази» бошлиги Баҳодир Назаровга отаси

НУРИТДИН ота

вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Узбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳунартехника таълими ходимлари малакасини ошириш республика институти маъмурияти ва жамоаси илмий ишлар проректори, профессор Т. О. Акромовга онаси

Саидахон АКРОМОВА

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади

Ма'рифат

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Ҳалим САИДОВ.

Руйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 36-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 36-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Навбатчилар: Олимжон Ҳайит, Норали Очилов.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г.-0446. Тиражи 22637. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 20.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.
1 2 3 4 5 6